



Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

№1 (01) 2010

Тошкент — 2010

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

илмий-амалий нашр

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров
Ҳакимбой Ҳалимов
Алишер Шарафутдинов
Ниғматилла Йўлдошев
Шўҳрат Узаков
Зоҳид Дўсанов
Толибжон Умаров

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул қотиб:

Шавкат Ёдгоров

Таҳрир ҳайъати:

Нуриддинжон Исмоилов
Рустам Рўзиев
Баҳодир Исмоилов
Аббосхон Сангинов
Мухтор Зоиров
Светлана Ортиқова
Фаҳри Раҳимов
Фурқат Шодманов
Муҳидин Мўсаев
Жаҳонгир Максумов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.
2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси» дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Таҳририят тақдим этилган мақола-ларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

Буюртма №
Адади: 1500
Журнал „.....“
босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил:

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

1. Р.Қодиров. Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдир **3**
2. М.Рустамбоев. Замонавий раҳбарнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги вазифалари **9**
3. А.Саидов. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — давлат сиёсатининг устувор йўналиши **12**
4. Т.Умаров. Приоритетные задачи органов прокуратуры в реализации реформ судебной-правовой системы **16**

Муносабат

5. Б.Пинхасов. Вопросы реформирования правовой системы **20**

Нигоҳ

6. Томоко Акане. Рассмотрение реформ правовой системы в Японии: достижения и пути углубления **22**

Халқаро ҳуқуқий меъёрлар

7. Ж. Холмуминов. Реализация конвенции по охране и использованию трансграничных водотоков **24**
8. Р. Зуфаров. Международно-правовые проблемы борьбы с коррупцией **29**

Жараён

9. Б.Пўлатов. Прокуратура инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси йўлида **33**
10. Ф.Раҳимов. Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг амалий ижроси **36**
11. Ф.Шодманов. Солидар жавобгарликни қўллаш муаммолари **38**

Таҳриба ва амалиёт

12. М.Мўсаев. Инсон ҳаёти олий қадрият **40**
13. Ш.Бердиев. Жиноят қонунчилигида вояга етмаганлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши **44**
14. М.Аминжонова. Уй-жойга доир низоларни ҳал этишнинг ўзига хос хусусиятлари **48**

Ҳуқуқий тафаккур

15. Х.Маматов. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалалари **50**
16. Д.Миразов. Жиноят процессида суд контроли институти ва унинг мақсадлари **54**

Ёш олимлар минбари

17. Б.Рашидов. Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш самарадорлигини ошириш масалалари **56**
18. А.Маматқулов. Одам савдоси — инсон ҳуқуқларига қарши жиноят **58**
19. Х.Каримов. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари **60**
20. Ш.Кулматов. Жиноят ишини юритишда тергов органлари масъулиятини ошириш масалалари **62**

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори,
1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШДИР

Дунё харитасидан мустақил Ўзбекистон давлатининг ўрин эгаллаганига 18 йил тўлди. Бу давр ичида Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш йўлида залворли қадамлар қўйилди. Шубҳасиз, бу ютуқларга кенг қамровли, туб ислоҳотларсиз эришиб бўлмас эди.

Хар бир демократик давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш энг устувор вазифалардан саналади. Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади белгиланган, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига, шунингдек, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик эълон қилинган, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинган.

Мазкур принциплардан келиб чиқиб, Республикамиз Президенти Ислон Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ва ташаббуси асосида, мана бир неча йиллар давомида, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган чоралар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг ўтган йилларида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори барпо этилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилди.

Давлат ва жамиятнинг ривожланиши қонунчилик базасини такомиллаштириш ва уни ҳозирги кун талабларига мувофиқлаштириш заруратини юзага келтиради. Бусиз мамлакат ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларида кенг қўламдаги демократик ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди.

Бугун ислоҳотлар янада янгиланиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган соҳаларни қамраб олмақда. Шу мақсадда халқаро тажриба ўрганилмоқда, амалдаги қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти таҳлил қилинмоқда, уни та-

комиллаштириш ва соддалаштиришга, шунингдек, бундай йўл орқали ҳали мавжуд камчиликларни

Республикамизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти-ни такомиллаштириш, бу борадаги илғор хориж тажрибасини, халқаро ҳуқуқнинг долзарб муаммоларини таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ишончимиз комилки, «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси» ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, қонун ижодкорлиги фаолияти, жамиятни янгиланиш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишининг долзарб масалаларини ёритишда муҳим минбарлардан бирига айланади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқ-тартибот органларининг жиноятчиликка қарши кураш, олдини олиш, одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари муҳокамасини ташиқил этишда ҳам мазкур нашрнинг алоҳида ўрин тутушига шубҳа қилмаймиз.

Ўз навбатида, Ахборотномада ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан прокуратура органларининг қонунийликни таъминлаш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларига, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга бағишланган илмий-амалий мақолаларни чоп этиш, хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқни қўллаш борасидаги тажрибаларининг мунтазам ёритиб борилиши унинг нуфузи ошишига хизмат қилади.

Ўйлаймизки, прокуратура органлари ходимлари, Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари билан бир вақтда турли соҳаларда фаолият юритиб келаётган ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар мазкур нашр билан доимий ҳамкорликка киришадилар.

бартараф қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Қонунчиликдаги янгиликларни шарҳлашдан олдин уларнинг самарадорлиги масаласида тўхталсак. Чунки бу олдимизга қўйилган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш каби мақсадларга эришиш борасида муҳим омилдир.

Буни аниқ мисолларда кўриб чиқишимиз мумкин. «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирганига икки йилга яқин вақт ўтди. Уни амалиётда қўллашнинг дастлабки натижалари давлатимиз раҳбарининг қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги фикрининг нақадар тўғрилигини тасдиқламоқда.

Хусусан, 2008 йилда прокурорлар томонидан судларга айбланувчилар ва гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 16610 та илтимоснома киритилган. Ушбу илтимосноманинг 16338 таси судлар томонидан қаноатлантирилган, 248 таси эса рад этилган. Ҳақиқатан 2009 йилда эса судларга айбланувчилар ва гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 20919 та илтимоснома киритилган. Уларнинг 20684 таси судлар томонидан қаноатлантирилган, 219 таси эса рад этилган.

Судлар томонидан мазкур илтимосномаларни қаноатлантиришнинг рад этилиши, шунингдек, баъзи ҳолатларда судларнинг асоссиз ажримларини бекор қилиниши ҳоллари янги қонун нормалари самарадорлигининг тўғридан-тўғри далилидир. Бу ҳолатлар қандайдир фавқулодда ҳодиса сифатида эмас, балки ҳақиқий демократик давлатда мавжуд бўлиши керак бўлган оддий ҳол сифатида баҳолашни лозим.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг пировард мақсади ҳам шахснинг конституцияда белгиланган эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини чеклаш борасида айнан ҳолислик ва беғаразликни таъминлашдан иборатдир.

Дастлабки тергов устидан назоратни амалга ошириб, айна вақтда бевосита ўзи жиноят ишларини тергов қилган прокурор томонидан санкция берилган вақтларни бир эслайлик. Прокурорларнинг ҳолислигини шубҳа остига олмаган ҳолда, айрим ҳолларда очикда қолдирилганлиги туфайли дастлабки терговнинг юритилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, улар айбланувчиларнинг эркинлигини чеклашдан маълум даражада манфаатдор бўлганлигини ҳам инобатга олишимиз лозим. Қамоққа олиш ҳақидаги қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят бериш тартиби эса ҳар доим ҳам кутилган самарани бермаган.

Бундан буюн, содда қилиб айтганда, шахсни қамоққа олиш масаласининг ҳал қилиниши текширишнинг уч босқичидан ўтади. Дастлаб прокурор терговчининг айбланувчини қамоққа олиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қонунийлиги ва асослилиги жиҳатидан текшириб, унга қўшилган тақдирда судга тегишли илтимосномани киритади. Шу босқичнинг ўзидаёқ бир қатор шахсларга нисбатан озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин.

Шундан сўнг туман (шаҳар) суди унга илтимоснома билан тақдим қилинган материалларни шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ўрганиб, прокурорнинг илтимосномасини қаноатлантириш ёки уни рад этиш хусусида қарор қабул қилади.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди, апелляция шикояти ёки протест келтирилган тақдирда, суднинг қарорига тегишли баҳо беради ва уни ўз кучида қолдириш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, яқин келажакда бундай тизим шахсларни қонунга зид равишда қамоққа олиш ҳолларига барҳам берилишига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳақиқий таъминланишига олиб келади.

2008 йилнинг 17 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-911-сонли Қарори билан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказилди.

Авваламбор, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш борасида чоралар кўрилмоқда. Бунда республикада тадбиркорликни, шу жумладан, кичик бизнесни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, бу йўлдаги маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида алоҳида тадбирлар дастури тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга, бўш иш ўринларига эга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иштирокида бутун республика бўйлаб меҳнат ярмаркалари ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланилган ҳолда турли учрашувлар, семинарлар, давра

суҳбатлари ташкил қилиниб, мунтазам равишда тушунтириш тадбирлари ўтказилаётир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг одам савдосига қарши курашиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлиги таъминланди. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг фош этилиши яхшиланди. Агар 2007 йилда жами 382 та бундай ҳолат аниқланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич деярли 2,5 бараварга ошиб, 891 та, 2009 йилда эса 1258 тани ташкил этган.

Кўрилаётган чоралар аҳолининг одам савдоси ҳолатидан хабардорлиги ўсиб бораётганлиги билан биргаликда фуқароларнинг «қулликка» тушиб қолиш ҳолатларининг кескин камайишига олиб келиши шубҳасиздир.

Энди охириги пайтларда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида юз берган янгиликларга эътиборимизни қаратсак.

Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди. Бу Марказнинг очилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур демократик ислохотларнинг давоми бўлди.

Суд фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизими вазифаларини белгилаб берувчи қоидалари рўйбга чиқарилиши самарадорлиги масалалари бўйича қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, жиноий, маъмурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, суд ишларини юретишни демократлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, одил судлов тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, мазкур соҳада халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш каби вазифалар Марказ олдида қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан белгилаб берилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси фуқароларнинг юқори малакали юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мазкур конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда қарийб 7 минг нафар адво-

катни бирлаштирувчи мингга яқин адвокатлик бюрolari, хайъатлари ва фирмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоячиси сифатида ҳар қандай шахс, шу жумладан, юридик маълумотга ва юридик хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахс ҳам иштирок этишига йўл қўйган норманинг жиноят-процессуал қонунчилигида мавжудлиги фуқароларни малакали юридик ёрдам билан таъминлаш механизмидаги камчиликлардан бири эди.

Мазкур норма фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари рўйбга чиқарилишини ҳар доим ҳам таъминламас, адвокатуранинг айрим ҳолларда сохта юридик хизмат кўрсатувчи турли тузилмалар билан алмаштирилиши учун замин яратар эди. Бунинг устига ушбу ҳуқуқдан муқаддам адвокат бўлиб ишлаган, лекин ғайриҳуқуқий ёки ножўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун лицензиядан маҳрум қилинган шахслар ўзларининг ғараз мақсадларида фойдаланар эди.

2008 йил 15 сентябрдаги Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига киритилган ўзгартишлар жиноят процессида ҳимоячи сифатида фақат адвокат иштирок этиши, у билан бир қаторда эса бундай вазифани гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан бири амалга ошириши мумкинлигини мустаҳкамлаб қўйди. Натижада фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари кафолатининг мустаҳкамлиги таъминланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирган вақтдан бошлаб шахснинг ҳимоя ҳуқуқини кафолатлаш соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар юз берди.

Мазкур Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, шунингдек, «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар ва уларнинг ҳимоячиларининг ҳуқуқлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Эндиликда ҳар бир гумон қилинувчи ва айбланувчи қонунчиликда муқаддам назарда тутилган ҳуқуқлари билан бир қаторда: ушлаб турилганлиги ёки қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериши; кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифати-

да унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши; учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда ҳимоячиси билан холи учрашиши; жиноят иши материалларидан техника воситалари ёрдамида кўчирма нусхалар олиши мумкин.

Гувоҳга адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш ва ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқлари берилганлиги, шунингдек, жиноят процессига гувоҳ суриштирув, дастлабки тергов органига ёки судга чақирилган пайтдан эътиборан иштирок этишга ҳақли бўлган янги иштирокчи — гувоҳнинг адвокати киритилганлиги алоҳида эътиборга сазовор.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарликни белгилловчи 197¹-моддаси билан тўлдирилганлиги адвокатлик фаолиятининг яна бир кафолати бўлди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш жараёнида 2008 йилнинг 22 сентябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун муҳим ўрин тутди.

Жумладан, ушбу Қонун билан Жиноят кодексида жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши учун жиноий жавобгарликни белгилловчи янги 241¹-модда киритилди.

Бу қўшимча содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги аризалар, хабарлар ёки бошқа маълумотларни қабул қилишдан бош тортиш, уларни рўйхатдан ўтказмаслик ва кўриб чиқмаслик каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари томонидан ҳанузгача йўл қўйилаётган ҳолатларга қарши курашишга қаратилгандир.

Жиноятларни ҳисобдан яширишнинг асосий сабаблари жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилловчи норматив-ҳуқуқий актлар талабларини бузиш, тегишли ҳудудда жиноятчилик ва жиноятларни фош этиш даражасини сунъий равишда ижобий қилиб кўрсатишга интилишдан иборат.

2008 йилнинг ўзида ҳисобдан яширилган жиноятларнинг ярмидан кўпини фош этиш даражаси ҳозирда юқори бўлмаган ўғирликлар, талончиликлар, фирибгарликлар ва босқинчиликлар ташкил қилган.

Шу билан бирга, Жиноят кодексида жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш учун жавобгарликка оид махсус норманинг мавжуд бўлмаганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг мансабдор шахслари бундай қилмишлари учун Жиноят кодексининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ваколат доирасидан

четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги каби моддалари бўйича жавобгарликка тортилишига олиб келган. Бу эса жиноятларни яширишни (масалан, унча оғир бўлмаган жиноятларни) ҳар доим ҳам жиноий қилмиш тариқасида баҳолашга тўсқинлик қилар эди.

Жиноят кодексига мазкур норманинг киритилиши, шубҳасиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятидаги жиноятларни ҳисобга олишдан қасддан яшириш ва бунинг оқибатида жабрланувчилар ва бошқа фуқароларнинг жиноий қилмишларни объектив тергов қилишга бўлган ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолларига барҳам берилишига, шунингдек, бу қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга кўмаклашади.

Шунингдек, мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига жиноят ишларининг терговга тегишлилиги қоидаларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартишлар киритилди.

Хусусан, прокуратура органларининг терговга тааллуқли, Жиноят кодексининг элликта моддасида назарда тутилган ва уларни фош этиш ҳамда тергов қилиш бевосита Ички ишлар органларининг профилактик ва тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ жиноятлар бўйича ишлар ички ишлар вазирлиги органларининг терговга ўтказилди. Фикримизча, бу чора ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда суриштирув ва дастлабки тергов устидан назоратни кучайтиришга, шунингдек, прокуратура органларининг эътиборини иқтисодий, мансабдорлик ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини поймол қилиш билан боғлиқ жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш масалаларига қаратишга имкон яратади.

Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга киритилган ҳамда прокурорнинг жиноят ишларини ўтказиш борасидаги ваколатларини чеклашдан иборат яна битта ўзгартириш прокурорларнинг суиистеъмолчиликларининг олдини олишга ва терговчилар процессуал мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Чунончи, прокурорнинг ваколатидан Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органларининг бир тергов тармоғидаги битта терговчидан бошқа терговчига ишни ўтказиш ҳуқуқи чиқариб ташланди, терговга тегишлилигидан қатъи назар ишни бир тергов органидан бошқа тергов органига ўтказиш ваколати эса, қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда фақат Бош прокурор ва унинг ўринбосарларида сақлаб қолинди. Жиноят ишларини бирлаштиришда терговга тегишлилигини аниқлаш масалаларида ҳам қатъи қоидалар ўрнатилди.

Болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка киритиш бо-

расидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Ўтган йилнинг 4 ва 8 апрель кунлари тегишли қонунларнинг қабул қилиниши билан Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилч чоралар тўғрисида»ги Конвенциялари ратификация қилинди. Шу муносабат билан 2008 йилнинг 12 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилиниб, мазкур конвенцияларни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга, вояга етмаганлар меҳнатининг меъёрлари ва шароитларига, болалар меҳнатининг оғир шакллари йўқ қилишга ва улардан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни белгилашга оид қоидалар Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида мазкур конвенциялар ратификация қилинишидан анча олдин ҳам мавжуд бўлган. Ушбу нормалар асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни эксплуатациянинг барча шаклларида мудоҳаза қилиш борасида чоралар кўриб келинмоқда. Юқорида қайд этилган конвенцияларни амалга ошириш эса, шубҳасиз болалар меҳнатининг оғир шаклларига барҳам беришга қаратилган чоралар самарадорлигини янада оширади.

2008 йилнинг 24 сентябрида қабул қилинган Қонун билан Жиноят кодексининг вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш масалаларини тартибга солувчи нормаларидаги қарама-қаршиликлар бартараф қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг олтинчи бўлими вояга етмаганларнинг алоҳида ижтимоий мавқеи ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда фақат уларнинг жиноий жавобгарлиги масалаларига бағишланган. Қонунда вояга етмаганларга нисбатан жазони индивидуаллаштириш бўйича қатъий талаблар белгиланган, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари чегараланган.

Хусусан, Жиноят кодексининг 85-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Айни вақтда, мазкур моддада уларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга йўл қўядиган нормалар ҳам бор эди ва бу ягона суд амалиёти шаклланишига салбий таъсир кўрсатар эди. Бу каби ҳуқуқий нуқсонларнинг мавжудлиги, айрим ҳолларда, вояга етмаганларнинг унча оғир бўлмаган жиноятлари учун ҳам озодликдан маҳрум қилинишларига олиб келган.

Киритилган ўзгартишлар ушбу қарама-қаршиликларни бартараф қилди ва келгусида жиноий қонуннинг тўғри қўлланилишини ва вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги қафолатларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексига киритилган яна бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни такомиллаштириш ва янада либераллаштиришга қаратилган.

Хусусан, 2008 йил 18 сентябрдаги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмадан шуғулланиш учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи янги 165-модда киритилди. «Қонун бундай норма билан тўлдирилишининг сабаби нимадан иборат?» деган савол туғилади. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун Жиноят кодексининг 190-моддаси биринчи қисмида жиноий жавобгарлик ўрнатилган бўлиб, бу жавобгарлик шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилган кейин юзага келади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Қарорига кўра, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги 73 та фаолият турлари лицензиялаштирилиши лозим.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда лицензиясиз фаолиятнинг фақат 3 та тури, яъни рухсатсиз радиоузаткич шохобчаси ўрнатиш ва ундан фойдаланиш, видеоёзувли кассеталарни сотиш ёки ижарага бериш ҳамда автомобиль транспортида йўловчилар ташиш учун белгиланган эди.

Қолган 70 та фаолият тури билан лицензиясиз шуғулланганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи умумий норманинг қонунда мавжуд бўлмаганлиги мазкур ҳуқуқбузарликларга лозим даражада қарши курашишга (шу жумладан, жиноий-ҳуқуқий воситалардан фойдаланган ҳолда) имкон бермас эди, чунки жиноий жавобгарликка тортиш учун шахс бунга қадар маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши лозим эди.

Мазкур камчилик бартараф қилинди ва лицензиясиз фаолиятни амалга оширган айбдор шахслар эндиликда қонун олдида қатъий жавоб берадилар. Шу билан ғайриҳуқуқий қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи таъминланади.

2008 йилнинг 24 сентябрида қабул қилинган қонун билан Жиноят кодексининг 186¹-моддасига этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг шахснинг жиноий жавобгарлиги

ни назарда тутувчи ўзгартиш киритилди.

Агар олдин унча кўп бўлмаган миқдордаги этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик ҳолати юзасидан ҳам жиноят иши кўзғатилган бўлса, бундан буён биринчи марта анча миқдордан ошмаган қилмиш содир этилган ҳолда ушбу ҳаракат учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 186¹-моддасида назарда тутилган жавобгарлик юзага келади.

Мазкур қонуннинг амалга киритилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини жиддий равишда тўғрилашга имкон берди, чунки уларнинг куч ва маблағлари бу каби кам аҳамиятли қилмишларни аниқлаш ва тергов қилишга беҳуда сарфланар эди. Ушбу ҳақда қуйидаги статистик маълумотлар аниқ далолат беради: охириги уч йил давомида кўзғатилган бир мингдан зиёд жиноят иши бўйича қиймати 10 минг сўмдан ошмаган этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик ҳолатлари тергов предмети бўлган.

Амнистия актларини қўллашнинг процессуал тартибини белгилаш масаласига ҳам батафсил тўхталиш лозим.

Барчага маълумки, 2008 йилнинг 28 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Ушбу амнистия акти қабул қилиниши ва уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқланиши билан республикада мазкур актни судга қадар иш юритиш ва суд қарорларини ижро этиш босқичларида татбиқ этиш масалаларини судлар ихтиёрига ўтказиш бўйича янги тартиб жорий қилинди.

Айтиш керакки, мазкур қарор эълон қилингунча амнистия актлари судга қадар иш юритиш ва суд қарорларини ижро этиш босқичларида тегишли прокурорларнинг розилиги билан бевосита суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда жиноий жазоларни ижро этишга масъул бўлган органлар томонидан қўлланилар эди.

2008 йил 22 декабрда эса Ўзбекистон Республикасининг «Амнистия актини қўллаш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди.

Бу борада киритилган тузатишларга қисқача тўхталсак.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодекси суриштирувчи, терговчи томонидан материал ёки жиноят ишини прокурорга юбориш, прокурор томонидан судга амнистия акти асосида жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида илтимоснома кўзғатиш, материал, жиноят ишини судда кўриб чиқиш ва қарор

қабул қилиш тартибини белгиловчи боб билан тўлдирилди. Терговолди текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида шахсни амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш учун қонуний асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи материал ёки жиноят ишини мазкур шахснинг аризаси ва амнистия актига асосан жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборади.

Прокурор, ўз навбатида, суриштирувчи ёки терговчининг тақдимномасига рози бўлган тақдирда, материал, жиноят ишини тегишли илтимоснома билан судга ўтказилади. Мазкур илтимоснома жиноят содир қилинган ёхуд дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан яқка тартибда, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Бундан ташқари, суд мажлисида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масаласи қўйилаётган шахс, шунингдек, унинг қонуний вакили ва ҳимоячиси қатнашади.

Суд муҳокамаси натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, унга манфаатдор шахслар томонидан шикоят, прокурор томонидан эса протест келтирилиши мумкин.

Шунингдек, ЖПКга жиноий жазони ўтаётган шахсларга нисбатан амнистия акти прокурорнинг илтимосномасига асосан маҳкумнинг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан қўлланилиши тўғрисидаги норма киритилган. Бунда, Жиноят-ижроия кодексининг 166-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, тегишли муассаса маъмурияти етарли асослар бўлган тақдирда, маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши шарт.

Амнистия актини қўллаш масаласи судларнинг ваколатига киритилиши суд тизимини ислоҳ қилишнинг мантиқий давоми бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш масаласини ҳал қилиш борасида одиллик, холислик ва бефаразлик принципларини таъминлашга ҳамда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга қаратилгандир.

Биз юқорида тўхталиб ўтган жараёнлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг фақат кичик бир қисмидир.

Фикримизга хулоса қилиб айтадиган бўлсак, амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистон Республикаси барча соҳаларда изчил босқичма-босқич ривожланиш даврини бошдан кечираётганидан далолат беради. Мунтазам равишда янги қонунларнинг қабул қилиниши ва амалдаги қонунчиликка ўзгартишлар киритиб борилаётгани эса давр талабидир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар узоқни кўзлаб, халқимиз манфаатларини ифода этаётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб келмоқда.

Мирзаюсуп РУСТАМБОЕВ,
Тошкент давлат юридик институти ректори,
юридик фанлар доктори, профессор

ЗАМОНАВИЙ РАҲБАРНИНГ ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида раҳбарлик, раҳбарларнинг ваколат доираси, энг муҳими, уларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги иштироки масаласи муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартини бўлган ва Асосий қонунимизда олий кадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, бунда тегишли мансабдор шахслар замонавий раҳбарга қўйилган талабларга жавоб бериши зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда, замонавий раҳбар қиёфаси тавсифига тўхталиб, унинг қандай шахсий, касбий, ахлоқий фазилатларга эга бўлиши лозимлигига эътиборни қаратсак.

Биринчидан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, замонавий раҳбар ўз соҳасида юқори малака ва тажрибага эга бўлиб, лавозими юзасидан чуқур масъулиятни ҳис этиши керак.

Бу талаб замонавий раҳбарга қўйилган шахсий ва касбий талабларни ўзида мужассам этади. Миллий қонунчилигимизда айрим мансабдор шахслар учун тегишли малака ва тажриба билан боғлиқ талаблар белгиланган. Аммо, шу ўринда масъулият ҳисси ҳақида чуқурроқ тўхталиб ўтиш лозим. Масъулият — бу ўз зиммасидаги вазифаларни, мажбуриятларни англаб етиш, ўз ҳаракатларининг барча оқибатларини олдиндан кўра билиш, аниқ мақсад қўйиб, ўша мақсад йўлида изчил ҳаракат қилиш, ҳаракатлари натижаси учун шахсан жавобгарликни ўз елкасига олиш демакдир. Кўриниб турибдики, масъулият — бу шахснинг энгилтаклик, ҳовлиқмалик, юзаки қарорлар қабул қилиш, калтабинлик каби иллатлардан холи бўлиши лозимлигини англатади. Бу хусусият кўпроқ ўз лавозими бўйича би-

рор қарор қабул қилишда "етти ўлчаб, бир кешиш" мақолига риоя қилишни ҳам англади.

Иккинчидан, замонавий раҳбар ахлоқий жиҳатдан етук, инсонлар билан муомала қилишда ва бошқа маънавий фазилатларда ўзига хос ўрнатилган намунаси бўлиши лозим. Дарҳақиқат, инсон ижтимоий мавжудот сифатида ўзига хос хусусиятлари, яъни маънавий фазилатлари билан бошқа мавжудотлардан фарқ қилади. Айниқса, бирор давлат ҳокимияти органи ёки кўпчилик номидан иш кўриш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиши керак. Президентимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" номли асарида масъул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси, инсоний фазилатлари билан бир қаторда маънавий-ахлоқий даражасига ҳам алоҳида эътибор берилиши лозимлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Шу нуқтаи назардан, замонавий раҳбар ўзининг ахлоқий фазилатларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориши лозим.

Учинчидан, замонавий раҳбар инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини билиши ва уларга ўзига хос кадрият сифатида чуқур ҳурмат ҳисси билан қараши керак. Демокчимизки, унинг ҳуқуқий онги ва маданияти ҳам юқори даражада бўлиши зарур.

Демократик тараққиётнинг муҳим мезони бўлган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини билиш, уларни таъминлашга бор кучини сарф этиш замонавий раҳбарнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бу давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахслари учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки раҳбарда Конституция ва қонунларимизда белгиланган фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларига чуқур ҳурмат ҳисси шаклланиши учун, у энг аввало, мазкур ҳуқуқ ва эркинликлардан хабардор бўлиши лозим.

Жамиятда қонунларни билиш, уларни тушуниш ва англаб етиш даражаси билан боғлиқ ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳам замонавий раҳбарда етарли даражада бўлиши керак.

Замонавий раҳбар бу — у хоҳ давлат хизматидаги масъул ходим, хоҳ хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлишидан қатъи назар ўз фаолиятида, албатта, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларга тўқнашиши табиий. Бу борада замонавий раҳбар зиммасига улкан масъулият ва қатъий аниқ вазифалар юкланади.

Замонавий раҳбар биринчи галда ўзининг кундалик фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга кўмаклашиши лозим. Одатда, кўп ҳолларда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини бошқа бировларнинг маъқуллаши ёки қўллаб-қувватлашига боғлиқ бўлмаган ҳолатда ўз ихтиёрларига кўра амалга оширадilar. Бундай вазиятда замонавий раҳбардан талаб этиладиган асосий мажбурият — бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ихтиёрий равишда амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиб беришдир. Замонавий раҳбар ўзи раҳбарлик қилиб турган муассаса, корхона, ташкилотда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишни, уларга риоя этилишини таъминлайдиган шарт-шароитлар муҳитини яратиши керак. Бу раҳбардан муайян уқув, тажриба, ташкилотчилик ва тизимли ёндашувни талаб этади. Баъзи ҳолларда, масалан, вояга етмаганлар, ногиронлар, қариялар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда муайян қийинчиликлар ва ноқулайликлар сезишлари мумкин. Бундай ҳолатда раҳбар қонунларда белгиланган тартиб ва асосларда фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда кўмак бериши шарт.

Замонавий раҳбарнинг яна бир муҳим вазифаси — бу фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдир. Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар фаолиятида бу вазифа устувор аҳамиятга эга. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш зарурати бундай ҳуқуқ ва эркинликларга нисбатан тўққинликлар, бузилишлар рўй берганда вужудга келади.

Раҳбар фуқароларнинг ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиш фактларига нисбатан муросасиз бўлмоғи ва қўл остидаги ходимларидан бундай қонунбузилишларга йўл қўймасликларини талаб қилмоғи лозим. Баъзан фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиш фактларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, уларга

кўниккан муносабатда бўлиши ҳолатлари кузатилади. Бундай шахслар ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилмасликлари мумкин. Раҳбар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун юридик асос мавжуд бўлишини кутиб, қўл қовуштириб ўтириши мутлақо ноўрин. Ҳуқуқи бузилган фуқаро ариза, шикоят бермаган тақдирда ҳам раҳбар бундай ҳуқуқбузарликлардан хабардор бўлган ҳар қандай ҳолатда ўз ташаббуси билан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячисига айланиши шарт. Албатта, замонавий раҳбарларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги вазифалари кўлами, уни амалга оширишдаги усул ва воситалари ҳажми турлича. Бироқ замонавий раҳбар қанчалик баланд поғонада ўтирган бўлса, унинг масъулияти шу қадар юқори, ваколатлари кенг ва у қўллайдиган усул, воситалар ҳам шу қадар таъсирчан ва қудратлидир. Асосий масала замонавий раҳбар уларни самарали ва ўз ўрнида қўллашига боғлиқ.

Раҳбар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиш ҳолатларидан хабардор бўлиши бўйича муайян тизим яратилиши ва у бекаму кўст ишлаши лозим.

Биринчи галда фуқароларнинг ариза, мурожаатлари билан ишлашда қатъий тартиб бўлиши, ҳеч қандай ариза, шикоят ва таклиф эътиборсиз қолдирилмаслиги, улар махсус қайд қилиш ҳужжатлари орқали расмийлаштирилиши, ўз муддатида кўриб чиқилиши, уларга жавоб берилиши ва чора кўрилиши лозим. Шу ўринда ҳеч қандай бюрократик ёндашувларга, сансалорликка, лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Раҳбар фуқароларни шахсан қабул қилиши ва улар билан бевосита мулоқотда бўлиш имкониятидан фойдаланиши лозим.

Ҳар бир муассаса, корхона ва ташкилотда ходимлар ва четдан келган фуқароларни қабул қилиш вақти, жойи ва тартиби белгилаб қўйилган бўлиши ҳамда фуқаролар учун қулай, очик мулоқот ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир.

Шахсий масалалар бўйича қабул вақти, тартиби ҳар бир раҳбар қабулхонасида мавжуд бўлиши лозим.

Замонавий раҳбарнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаларини бажариши унинг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш маҳорати билан ҳам узвий боғлиқ. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши фактлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали берилган ҳар қандай маълумотларга нисбатан раҳбар ўз ваколати доирасида

зарур чоралар кўриши лозим.

Замонавий раҳбарнинг кундалик фаолиятида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш бурчини изчиллик билан бажариш фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш яна бир муҳим вазифаси ҳисобланади. Бошқача айтганда, раҳбар ўз муассасасида ишларни шундай ташкил этиши лозимки, токи бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминлансин. Бу вазифанинг мураккаблиги шундаки, баъзан раҳбар умумдавлат вазифалари, ижтимоий манфаатлар, корпоратив манфаатлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ва уларни амалга оширишга интилиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига иккинчи даражали масала сифатида қараши мумкин. Ижтимоий вазифалар ва манфаатлар нақадар улғувор, юксак бўлмасин, уларни бажариш фуқаролар ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилмасдан, путур етказиш орқали бажарилишига эришиш, ғайриқонуний ҳолат ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мақсад қанчалик қонуний бўлса, унга эришиш воситалари ҳам шунчалик қонуний бўлиши талаб этилади. Бу ўринда қонунийликни мақсадга мувофиқлик мезони билан алмаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Албатта, бугунги кунда давлат тизимида ҳам, хўжалик тизимида ҳам раҳбарларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш мажбурияти тизимли асосда қатъий таъминланган, бундан ҳар қандай чекиниш ҳолатларига нисбатан жазонинг муқаррарлиги амал қилади. Бу борада давлат назорати ҳам, жамоат назорати ҳам белгилаб қўйилган. Давлат назоратини амалга оширишда прокуратура ва адлия органлари зиммасига улкан масъулият юкланган. Айни пайтда жамоат назоратини кучайтиришнинг реал имкониятлари мавжуд. Жамоат назорати тизимида касаба уюшмаларининг фуқаролар меҳнат ва ижтимоий таъминот ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг фуқаролар сиё-

сий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан қонун талабларига қатъий риоя қилиш устидан назоратни фаоллаштириши ва жонлантириши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Оммавий ахборот воситалари ҳам жамоат назоратининг муҳим таркибий элементидир. Оммавий ахборот воситаларида раҳбарнинг фақат ишчанлик фазилатларига урғу берилмасдан, уларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш соҳасидаги мажбуриятларини қандай бажараётганлиги масаласини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Замонавий раҳбарларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги вазифалари Асосий қонунимизда ҳам, жорий қонунларимизда ҳам етарли даражада мустаҳкамлаб қўйилган ва тартибга солинган. Албатта, бу борадаги қонунларимиз доимий такомиллашиб бораётганлигини ҳам таъкидлаш ўринли бўлар эди. Масалан, "Давлат хизматчилари тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш, муайян тоифадаги раҳбарларнинг касб-кори ва иш одобномаларини ишлаб чиқиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда. Демак, келгуси истиқболда замонавий раҳбарнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги функциялари янада аниқлаштирилади ҳамда такомиллаштирилади. Бироқ бу соҳада қонуний асосларни мустаҳкамлаб қўйишнинг ўзи етарли эмас.

Биринчи галда ушбу қонунларни бажарувчи замонавий раҳбарлар корпусини шакллантириш лозим. Бу эса таълим тизими, малака ошириш тизими билан узвий боғлиқ вазифа ҳисобланади. Замонавий раҳбар тайёрлашда унда ишчанлик, тадбиркорлик фазилатлари билан бирга фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига чуқур ҳурмат ва уларга риоя қилиш ҳиссини қадрият сифатида тарбиялаш талаб этилади. Ана шундагина Конституциямизда белгиланган вазифалар амалда таъминланган бўлади.



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори,
юримдик фанлар доктори, профессор

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Мамлакатимиз 1991 йил 31 августда давлат мустақиллигини эълон қилганидан сўнг роп-роса бир ой муддат ўтгач Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўшилганини назарда тутсак, ушбу Декларация Ўзбекистон истиқлолга эришганидан кейин бу соҳада тасдиқланган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг инсон ҳуқуқлари қуни муносабати билан йўллаган Баённотомасини қўллаб-қувватлаб, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, қонунчиликка оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2008 йил 1 май қуни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида» Фармон имзоланди¹.

Ўзбекистон Президентининг мазкур фармони тарихий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир. Шунини таъкидлаш лозимки, БМТга аъзо давлатларнинг биронтасида инсон ҳуқуқлари бўйича бундай олий даражадаги ҳужжат қабул қилинмаган. Фармон Ўзбекистон Президентининг ўз конституциявий бурчига содиқлиги ва ваколатларига изчил ёндашаётганининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Айни пайтда бу ҳужжат Ўзбекистон ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқлигини кўрсатади. Энг муҳими, фармон мисолида истиқлолнинг илк кунлариданоқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келаётганлиги яна бир бор тасдиғини топди.

Ўзбекистонда тарихан қисқа вақт ичида туб демократик ислоҳотлар ўтказилди — совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакл-

лантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди, республикамиз халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегик вазифа этиб белгиланди. Эркин ҳаёт оstonасида турган халқимиз инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети, демократия ва ижтимоий адолат гояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилди. Ўтган даврда бу йўлдаги босқич-ма-босқич ва изчил, тизимли ва дадил одимларимиз ўзининг улкан самараларини бермоқда.

Асосий қонунимизда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади (13-модда)².

Юртимизда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари устувлиги конституциявий асосда белгилаб қўйилган. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжат, жумладан БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартнома қатнашчиси сифатида зиммасига олган халқаро мажбуриятларни мунтазам равишда бажариб келмоқда. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш

бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширмакда. Бу борада Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларини ҳаётимизга теран татбиқ этиш йўлида изчил ва тизимли ишлар йўлга қўйилгани айниқса эътиборга сазовор.

Аввало, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик тизими яратилганига алоҳида аҳамият қаратиш ўринлидир. Истиқлол йилларида Парламент томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир 15 та кодекс ва 400 дан ортиқ қонун қабул қилинган бунинг яққол мисолидир.

2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг кучга кириши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Бу дадил қадамлар, ҳеч шубҳасиз, юртимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади.

Президент И.А.Каримовнинг 1996 йил 26 августда Олий Мажлис VI сессиясида сўзлаган нутқида инсон ҳуқуқларига риоя этиш устидан мониторинг ва назоратни таъминловчи идоравий тузилмаларни барпо этиш муҳим вазифа эканига алоҳида эътибор қаратилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Омбудсман институти, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ташкилотларни ривожлантириш ҳамда бошқа институтларни ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини бошқариш ва назорат қилишнинг янги самарали механизмларини барпо этиш зарурияти етилгани таъкидланган эди³.

Ўтган даврда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг миллий институционал тизими барпо этилди. 1993 йили Вена шаҳрида (Австрия) бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Жаҳон конференциясида қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури қоидаларини амалга ошириш натижаси ўлароқ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Амалдаги қонун

ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус бўлинмалар тузилгани ва фаол ишлаётгани шундан далолатдир.

Орадан кўп муддат ўтмасдан, республика раҳбари Исом Каримовнинг ташаббуси билан яна бир муҳим ҳужжатни қабул қилиш масаласи кўтариб чиқилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Бу ерда гап Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатидаги мақомини белгилашда тамал тоши бўлган, давлат бошқарувида сайлов йўли билан шаклландиган янги демократик институт — Ўзбекистонда президентлик институти жорий этилишининг қонуний ечимини яратиш хусусида кетмоқда.

Собиқ давлат бошқаруви тизимида биринчи бўлиб 1990 йил 24 мартда “Ўзбекистонда президентлик лавозими жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш” ҳақида қонун қабул қилинди. Бу СССРнинг ўша вақтдаги сиёсатчиларига, қонуншуносларига ва айтиқса, давлатнинг энг катта раҳбарларига мутлақо ёқмади.

Ўзбекистоннинг янги раҳбари мазкур ҳуқуқий актларнинг қабул қилиниши юрт мустақиллигининг ҳуқуқий замини бўлишини англади ва ҳайиқмасдан “марказ”дан ўтказилган очикдан-очик зуғумларга бардош бериб ўз халқини мустамлака тузум исканжасидан чиқариш мақсадидан чекинмади.

Шу тариқа собиқ СССР республикалари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда бошқарувнинг президентлик институти жорий этилди.

Бу соҳадаги ислохотлар 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қабул қилинган “Мустақиллик декларацияси” билан давом эттирилди. Мазкур декларация мустақилликнинг ҳамма нормалари, қоидалари ва талабларини ўзида акс эттирган эди.

Унга кўра, СССР Олий Совети қабул қилган қонунлар фақат ЎзССР Олий Совети томонидан тасдиқлангандан сўнггина кучга кириши белгиланди. Бу эса Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида ҳуқуқий демократик йўлни танлаганини билдиради. Шунингдек, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда қонун чиқарувчи ҳокимият давлатнинг сиёсий, иқтисодий тизимини, таркиби ва тузилишини белгилаши, энг муҳими — Ўзбекистоннинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши таъкидланди. Ана шу тариқа Мустақиллик декларацияси “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишига ва Ўзбекистоннинг 1991 йил 31 августда мустақил давлат деб эълон қилинишига асос бўлди.

Айнан ана шу ҳужжат миллий мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг эса барча соҳада туб ислохотлар бошланди ва улар давом этмоқда. Демак, ҳуқуқшунос мутахассислар, шунингдек тарихчилар ҳам бу даврлардаги ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мустақилликдан сўнгги даврини ўрганаётганларида унинг тамал тоши истиқлолга эришгунча қўйилганига алоҳида эътибор қаратишлари лозим деб ўйлайман.

Фурқат ШОДМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув
курслари бошлиғи ўринбосари,
юримдик фанлар доктори, профессор

СОЛИДАР ЖАВОБГАРЛИКНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ

Мажбурият бажарилмаганлиги учун қўлландиган жавобгарлик турларидан бири солидар жавобгарлик ҳисобланади.

Солидар деган тушунча фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда шерикликни, биргаликда ҳаракат қилишни, жисмоний ёки юридик шахслар томонидан бирон-бир вазифани, тадбиркорлик фаолиятини ўзаро келишган ҳолда биргаликда амалга ошириш, бажариш мажбуриятини олиш, шунингдек олинган мажбурият бажарилмаган тақдирда биргаликда ёки бири учун иккинчиси жавоб бериши маъноларини англатади.

Солидарлик (шериклик) қарздорлар ёки кредиторлар (мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилувчилар) иштирокида вужудга келиши мумкин. Бундай шериклик аксарият ҳолларда кредитор олдидаги мажбуриятни қарздорлар биргаликда бажариши, мажбурият бажарилмаган тақдирда барчаси баб-баравар ёки бири иккинчиси учун жавобгар бўлиши ҳақидаги ўзаро келишувдан иборат.

Мажбуриятнинг бажарилишида, бажарилмаганлиги учун жавоб беришда қарздорларнинг солидар бўлиши кредитор учун анча қулай шароит туғдиради. Фуқаролик кодексининг 252-моддаси 1-қисмига биноан “Қарздорлар шерик бўлиб мажбурият олганида кредитор ҳамма қарздорлардан мажбуриятни солидар бажаришни ҳам, уларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида бажаришни ҳам, шу билан бирга қарзни тўла ёки унинг бир қисмини бажаришни ҳам талаб қилишга ҳақли. Солидар қарздорларнинг биридан тўлиқ қаноатланмаган кредитор ололмаган нарчасини бошқа солидар қарздорлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Солидар қарздорлар мажбурият тўла бажарилгунича бурчли бўлиб қолаверадилар”.

Ушбу модданинг мазмунидан англашиладики, кредитор мажбурият бажарилишини таъминлаш учун талабни бирйўла барча қарздорларга нисбатан ёки уларнинг бирига нисбатан қўйиш имкониятига эга. Кредитор учун мажбуриятни қарздорлардан қайси бири бажариши унчалик аҳамиятга эга эмас. Асосий мақсад мажбурият

бекаму-кўст бажарилишини таъминлашдир. Бундай талабни қарздорларнинг қайси бирига нисбатан қўйиш кредиторнинг хоҳишига боғлиқ. Мажбуриятни бажариш, қарздан қутулиш учун қарздорлардан қайси бирида имконият етарли бўлса, талаб ҳам ўша қарздорга нисбатан қўйилиши мумкин. Солидар мажбуриятнинг бундай бўлиши унинг бекаму-кўст бажарилиши учун кредиторда етарли ишонч туғдиради.

Кези келганда эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодексига солидар мажбуриятга бағишланган модда йўқ. Шунга қарамай, Фуқаролик кодексига назарда тутилган қатор мажбуриятларни солидар мажбурият деб тан олса бўлади:

а) “юримдик шахс қайта ташкил этилганида кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатлари”га бағишланган 52-модданинг 3-қисмига биноан “Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган юридик шахснинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўладилар;

б) тўлиқ ширкат иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўладилар (ФК 60-м.);

в) масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар (ФК 62-м.);

г) қўшимча масъулиятли жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қиймати нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланмаган каррвали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар (ФК 63-м.).

д) акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар (ФК 64-м.).

е) солидар жавобгарликка кафиллик шартномасида алоҳида эътибор бериллади. ФКнинг 293-моддаси 1-қисмига биноан “Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдидан солидар жавоб берадилар, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

Солидар жавобгарлик акциядорлик жамиятининг муассислари томонидан жамиятни таъсис қилишдан олдин вужудга келадиган мажбуриятлари бўйича ҳам, биргаликда зарар етказган шахсларнинг жавобгарлиги бўйича ҳам қўлланилиши мумкин. Агар тарафларнинг келишуви билан бошқача, жумладан улушли жавобгарлик ўрнатилмаган бўлса, тадбиркорлик фаолияти бўйича ҳам солидар жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

Солидар жавобгарликни қўллаш учун асос ҳисобланадиган юқоридаги сабабларга кўра, бундай жавобгарликка хос хусусиятлар қуйидагича таърифланиши мумкин: солидар жавобгарлик фақат шартномада ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда қўлланади. Биргаликда зарар етказган шахслар солидар жавобгар бўладилар. Солидар жавобгарликда кредитор ҳамма қарздорлардан мажбуриятни биргаликда бажаришни ҳам, уларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида бажаришни ҳам, шу билан бирга, қарзни тўла ёки унинг бир қисмини бажаришни ҳам талаб қилишга ҳақли. Солидар жавобгарлик кредитор учун анча қулай ҳисобланади. Чунки қарздорлар ва улардан ҳар бири жавобгарлик масъулиятини ҳис қилади.

Солидарлик фақат қарздор томонидан эмас, кредитор томонидан ҳам бўлиши ва мажбуриятнинг ижро этилишини шерик кредиторларнинг ҳар бири талаб қилиши мумкин. Мажбуриятнинг кредиторлардан биронтаси фойдасига ижро этилиши, қарздорни бошқа кредиторлар олдиданги мажбуриятлардан озод қилади.

Қарздор кредиторнинг талабига қарши эътироз билдириши мумкин (Фуқаролик кодексининг 253-моддаси). Аммо унинг эътирози мазкур кредитор билан ўзаро муносабатига асосланган вақтдагина қабул қилинади.

Мажбуриятнинг ижросини қарздордан қабул қилишда кредитор бошқа кредиторларнинг манфаатига зарар етказмаслиги керак. Масалан, бир неча кредитор шерикликда қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона қуриш учун қурувчи ташкилот билан пудрат шартномаси тузган ва корхонани қабул қилиб олиш тадбиркорлардан фақат биттасига топширилган бўлса, бу тадбиркор фойдаланиш учун тайёр бўлмаган корхонани қабул қилиб олиши мумкин эмас. Чунки бунда бошқа тадбиркорларнинг манфаатига зиён етказган бўлади.

Қарздордан ижрони қабул қилган кредитор бошқа кредиторларга уларнинг улушини қайтариб бериши керак. Кредиторларнинг ҳар бирига тегишли бўлган улушнинг миқдори улар ўртасидаги муносабатнинг мазмунига боғлиқ. Масалан, агар солидар кредиторлар умумий улушли мулк эгаси бўлсалар, бу уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган талабларнинг ҳажмини белгилаш учун асос бўлади. Агар мажбурият мазмунидан бошқа ҳол англашилмаса, мажбурият ижроси юзасидан қарздордан қабул қилинган нарса барча кредиторлар ўртасида тенг тақсимланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти, хўжалик ширкати ва жамиятларнинг ривожланиши, улар иштирокчилари ўртасидаги мулкий ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ва юқорида тўхталиб ўтилган мулоҳазаларга асосан Фуқаролик кодексининг 21-бобига қуйидаги мазмунда “Солидар мажбурият” деган янги 251 -1-модда киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

“Солидар мажбурият (жавобгарлик) ёки солидар талаб, агар бундай мажбурият ёки талаб шартномада назарда тутилган ёки қонун билан белгиланган бўлса, жумладан, мажбурият нарсаси қисмларга бўлинмайдиган бўлгани ҳолда вужудга келади. Агар қонунда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан ёки мажбурият шартларига биноан бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича бир неча қарздорларнинг бурчлари, шунингдек ушбу мажбуриятга тааллуқли бир неча кредиторларнинг талаблари солидар мажбурият (жавобгарлик) деб ҳисобланади”.



Мухидин МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари кафедре бошлиғи вазифасини бажарувчи,
юридик фанлар номзоди

ИНСОН ҲАЁТИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ҳуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун биринчи навбатда унинг хавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилинган бўлиши шарт. Шундай экан, давлат, унинг махсус органлари жамоат хавфсизлигига, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда қонун билан ҳимоя қилинган барча ижтимоий муносабатларга қаратилган ҳар қандай тажовузларни, шу жумладан содир этилаётган жиноятларни, уларни озиклантирувчи омилларни бартараф этиш, кучсизлантириш, уларга тўсиқлар қўйишга қаратилган барча зарурий чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Конституциямизнинг 24-моддасида шахснинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида инсоннинг яшаш ҳуқуқи қайд этилган, яъни ҳар бир инсон учун ажралмас ҳуқуқ — яшаш ҳуқуқига тажовуз қилиш энг оғир жиноят деб таърифланади.

Шахсни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ижтимоий хавфли жиноят деб баҳоланиб, унга нисбатан барча МДХ давлатларининг Жиноят кодексларида жиноий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, шахсга қарши қаратилган жиноятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг биринчи бўлимида, шу бўлимнинг биринчи бобида эса ҳаётга қарши қаратилган жиноятлар ҳақида сўз юритилади. Шу жиноятлардан бири Жиноят кодексининг 103-моддасида кўрсатилган ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишдир.

Ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд ҳақидаги хабарларни текшириш, одатда, ҳодиса рўй берган жойни кўздан кечиришдан бошланади. Кўпинча, амалиётда мурда топилганлиги тўғрисидаги хабарларда ўзини ўзи ўлдириш ҳақида етарли маълумот бўлмаганлиги сабабли, воқеа жабрланувчининг эҳтиётсизлиги оқибатида рўй берган бахтсиз ҳодиса сифатида баҳоланиб, ҳодиса рўй берган жой терговчи томонидан кўздан кечирилмайди ёки кўздан кечириш юзаси ўтказилади.

Тергов амалиёти шуни кўрсатадики, бундай дастлабки хулоса баъзида хато бўлиб, жиноятларнинг узок вақт давомида очилмай қолишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида жиноятларнинг ўз вақтида фожиа қилинмай ва айбдорларнинг жиноий жавобгарликка тортилмай қолишига, фуқароларнинг кўплаб ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли мурда топилган жой воқеа қачон, қандай содир этилганлигидан қатъи назар, тергов-тезкор гуруҳи томонидан тўлиқ ва атрофлича кўздан кечирилиши зарур.

Воқеа рўй берган жойни кўздан кечириш жараёнида терговчи учта асосий йўналишга эътибор қаратиши лозим, яъни қотиллик, ўзини ўзи ўлдириш, бахтсиз ҳодиса. Шу асосий йўналишларга тегишли бўлган изларни қидириш, топиш ва унга баҳо бериш терговчи олдидаги асосий вазифалардан ҳисобланади.¹

Тергов амалиётининг маълумки, ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида жиноят изларини топиш асосий мақсад қилиб олинмаса, излар кўзга ташлан-

масдан, эътибордан четда қолади. Терговчи ҳодиса жойига етиб келгандан кейин воқеа жойини кўздан кечириш, ашёвий далилларни аниқлаш ва олишни режа асосида амалга ошириши лозим.

Кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятлари содир этилган қотиллик, ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилишга сабаб бўлувчи воқеа-ҳодисалар изларини қидириш, ашёвий далилларни олиш, баённомада уларнинг ҳолати, кўриниши, ҳажми ва ўзига хос белгиларини, мурданинг ҳолати, бадандаги жароҳат ва кийимдаги шикастланишларни аниқ кўрсатиш, уларга тегишли баҳо бериш, содир бўлган ҳодисага аниқлик киритиш ҳисобланади.

Терговчи ҳодиса рўй берган жойга етиб келгандан сўнг, мурда дорда осилиб туриши ёки сиртмоқдан бўшатилган бўлишидан қатъи назар кўздан кечиришнинг қуйидаги тартиби тавсия қилинади: 1) мурда яқинидаги ва унинг тагидаги ер сиртини кўздан кечириш; 2) кийимининг ички ва ташқи томонлари ҳамда тананинг очик қисмларини кўздан кечириш; 3) сиртмоқ маҳкамланган жойни кўздан кечириш; 4) мурдага тегиб турган предметларни кўздан кечириш; 5) мурдани кўздан кечириш; 6) сиртмоқни кўздан кечириш; 7) ён-атрофни кўздан кечириш.

Мурдани кўздан кечиришда полда ёки ерда марҳумга тегишли бўлмаган оёқ излари бор ёки йўқлигига эътибор қаратиш лозим. Пойафзал нафақат из қолдириши, балки одам юрган жойдаги моддаларни ўзида сақлаб қолиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда терговчи мурда тагида енгил кўчадиган моддалар (пой, оҳак, бўр, қорақуя, мой ва бошқалар) бор ёки йўқлигини кўздан кечириш баённомасида қайд қилади.

Ўлган одамнинг тагидаги курси ёки таянч бўлиб хизмат қилган бирон жисмнинг бор ёки йўқлиги ўзини ўзи ўлдириш биров томонидан уюштирилганлигига далил бўлиши мумкин. Курси ёки бошқа таянч буюмларда оёқ излари қолади, уларнинг тагидаги юмшоқ ерда ботиклик ҳосил бўлиши керак.

Тергов амалиётидаги бир ҳолатда терговчи, айнан шундай из ағдарилган челақ остидаги қумда йўқ эканлигидан хулоса чиқариб, бу ўзини ўзи ўлдириш эмас, балки қотиллик содир этилганлигини ва ўзини ўзи осиб воқеаси биров томонидан уюштирилганлигини тахмин қилган. Кейинчалик тергов ҳаракатлари давомида ўлган шахс челақ ёрдамисиз сиртмоқни маҳкамлаши мумкин эмаслиги аниқланиб, терговчининг тахмини тўғри бўлиб чиққан.

Мурда кийимининг ташқи юзасини ва тананинг очик қисмларини кўздан кечириш вақтида қуйидагилар аниқланиши лозим: поймафзал тагчармига ёпишган модда ва мурда таги ҳамда юзасидаги модда бир хил эканлиги; кийимда ва тананинг очик қисмларида бегона моддалар бор ёки йўқлиги, чунки уларни аниқлаб, ўлимидан аввал одам қандай моддаларга текканлигини билиш мумкин. Бундай моддалар қипик, бўёқ, бўр, оҳак, мато заррачалари ва ҳқ. ҳисобланади. Айниқса, агар мурда осилиб турган ҳолида оқланган деворга, автомашинанинг мой билан қопланган қисмларига, осон кўчадиган бўёқ билан бўялган гулқоғоз-

га, смола билан қопланган дарахт танасига тегиб турса, диққат билан кўздан кечириш талаб этилади. Бу каби моддаларнинг мурда кийимида бўлмаслиги ўз жонига қасд қилганлик ҳолати биров томонидан уюштирилганлигидан далолат беради. Чунки одам жон талвасасида албатта атрофидаги буюмларга тегиб, ўз кийимини ифлос қилиши табиийдир. Қайд қилинган изларни кўздан кечириш ҳаракати бошланишида, яъни мурда сиртмоқда осилиб турган вақтида аниқлаш лозим. Мурда сиртмоқдан ечиб олинаётганида бу излар йўқолиши мумкин. Терговчи келгунига қадар мурда сиртмоқдан бўшатиш билан ҳам уни албатта кўздан кечириш лозим.

Кўздан кечириш давомида сиртмоқ маҳкамланган жойни синчковлик билан кўриб чиқиш муҳимдир. Чунки айнан шу ерда қолган излар инсценировка (ўз жонига қасд қилиш биров томонидан уюштирилганлигини) қилинганини аниқлашга ёрдам беради.

Таянчда осон кўчадиган моддалар: чанг, бўёқ, занг ва ҳ.к.лар бўлиши сиртмоқни маҳкамлаган одамнинг бармоқ излари сақланиб қолинишини таъминлайди. Шуни ўқун уларнинг бор ёки йўқлиги кўздан кечириш баённомасида қайд этилиши шарт.

Тана бировнинг ёрдами билан кўтарилганини текшириш имкониятини берувчи излар, бу таянчдаги сиртмоқ қолдирган излардир. Изларнинг чуқурлиги, қалинлиги фақат тананинг оғирлиги ва сиртмоқ материалига, тана кўтарилган ёки кўтарилмаганлигига боғлиқ эмас, дарахт, арқон, мато ва бошқа моддаларнинг ҳолатига таъсир этувчи ҳавонинг ҳарорати ва намлиги ҳам муҳимдир. Таянчдаги сиртмоқ излари тасвирланишининг муҳимлигини кўрсатиш учун баённомада текширувни қизиқтираётган предметларнинг ушбу хос-салари қайд қилинади.²

Ўзини ўзи ўлдирши даражасига етказишни содир этилишининг инсценировкасига боғлиқ бўлган жиноят ишлар бўйича ўтказилган криминалистик экспертиза хулосаларида ёғоч таянчдаги сиртмоқдан қолган излар дарахт тўқималарининг жойлашишига қараб аниқ белгиланган. Дарахт тўқималарининг пастга ёки юқорига эгилиши тана кўтарилганлиги ёки йўқлиги ҳақида аниқ ва тўғри маълумот беради. Таянчда арқон сиртмоқдан қоладиган мўйларнинг йўналиши ҳам бемалол аниқланади. Бу мўйлар учларининг йўналиши сиртмоқ қайси томонга силжиганини кўрсатади.³ Шуни ўқун қия тушиб турган ёруғликда, лупа ёрдамида кўрилиб, юқориди айтилган ёғоч таянчда қоладиган тўқима ва мўйларнинг ҳолати баённомада қайд этилиши ва уларнинг шу ҳолатини экспертлар келгунича сақлаб қолишни таъминлаш лозим. Имконият бўлса, терговчи ёғоч таянчини ёки унинг бир қисмини арралаб экспертиза ўтказиш учун олиб кўйиши лозим. Агар бундай имконият бўлмаса сиртмоқ изларини сақлаб қолишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Мурда сиртмоқдан ечиб олинган ҳолларда, осилган тананинг оғирлигини таянч кўтара олиши тўғрисидаги саволга жавоб топиш учун таянч мустаҳкамлигини текшириш фойдалидир. Агар мурда оёқлари билан ерга (полга) тегиб турса, у ҳолда оғирликнинг бир қисмигина сиртмоқ маҳкамланган жойга таъсир кўрсатишига эътиборни қаратиш лозим.

Кўздан кечириш вақтида, таянч мустаҳкамлигини аниқлаш мақсадида тергов эксперименти ўтказиш тавсия қилинмайди. Чунки бунда таянчдаги сиртмоқ излари осонлик билан ўчиб кетади ва дастлабки изларни текширишда халақит берадиган янги излар пайдо бўлади.

Бундан ташқари, мутахассисларнинг хулосасисиз

таянч мустаҳкамлиги билан боғлиқ бўлган кўпгина омиллар ҳисобга олинмаслиги мумкин. Таянчнинг қандай маҳкамланганлиги, унинг қалинлиги, қайси материалдан қилинганлиги баённомада кўрсатилиши, фотосуратга олиниши ва мутахассислар ёрдамида чизмасини чизиб олиш тавсия қилинади.

Мурда атрофидаги предметлар кўздан кечирилишида, терговчи биринчи навбатда, мурдага тегиб турган предметлар ёки жабрланувчи шахс сиртмоқни маҳкамлаётган ва тортаётганида тегиб кетиши мумкин бўлган предметларга эътибор қаратиши лозим. Жабрланувчи шахс сиртмоқни ўзи маҳкамлаган ва торганини текшириш учун кўздан кечириш баённомасида куйидаги масофалар қайд қилиниши зарур. Сиртмоқ маҳкамланган жойдан полгача ёки ергача бўлган масофа, ердан мурда пойафзалигача, мурда бўйнидаги сиртмоқ тугунигача, оёқ остига қўйилган таянчдан (стул, курси, тўнка) мурда оёқларигача вертикал ва горизонтал масофа, оёқ остига қўйилган таянчнинг баландлиги, таянч маҳкамланган жойдан таянчдаги сиртмоқ маҳкамланган жойгача бўлган масофа.

Мурдага тегиб туриши мумкин бўлган предметлар (эшик кесакиси, дарахт танаси, печка, кровать ва бошқалар) қайд қилинаётганида, улар мурданинг қайси қисмига тегиши ва уларда енгил кўчадиган моддалар бор ёки йўқлиги кўрсатилади. Бу маълумотлар мурда танасидаги, қаршилиқ кўрсатиш натижасида ҳосил бўлган, баъзи жароҳат ва шикастланишларнинг (биллақлар ва тиззалардаги шилинган ёки тимдаланган жойлар, юздаги қон талашлар, мурданинг кийимида ва танасининг очик қисмларида бегона заррачалар мавжудлиги) келиб чиқиш сабабларини аниқлашга ёрдам беради.

Мурданинг оёқ ва қўлларида ён атрофдаги қаттиқ предметлардан ҳосил бўлиши мумкин бўлган қон талашлар ва шилиниш ёки тимдаланишларнинг йўқлиги баъзи ҳолларда сиртмоққа мурда осилганлигининг исботи бўлади. Чунки тирик одам жон талвасасида беихтиёр равишда тан жароҳати олиши табиий.

Мурда тагидаги ер, мурдадаги кийим, сиртмоқ маҳкамланган жой, мурда яқинидаги предметлар кўздан кечирилиб, сиртмоқдаги мурда ҳолати ёзиб олинганидан кейин, мурда сиртмоқдан ечилади.

Сиртмоқ маҳкамланган жой хусусида шуни айтиб ўтиш керакки, агар мурда сиртмоқда бўлса, у икки марта кўздан кечирилади – мурда сиртмоқда бўлган вақтида ва сиртмоқдан ечиб олинганида таянчдаги сиртмоқ остида бўлган излар очилганидан сўнг. Кўздан кечириш баённомасида, аксарият ҳолларда, сиртмоқ маҳкамланиши тўғрисидаги барча маълумотлар ашёвий далиллар экспертлар томонидан қулай тарзда қабул қилишлари учун бир жойда кўрсатилади.

Мурдани сиртмоқдан ечиш вақтида бажариладиган энг асосий шарт — тугунларни ечмаслик! Мурдани сиртмоқдан бўшатиб олиш учун тана биров кўтарилиши лозим, шунда тугуннинг тортилиши камаяди ва тугунларга зарар етказилмаган ҳолда сиртмоқ кесиб олинади.

Баённоманинг ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш бўлимида умумий маълумотлардан ташқари куйидагилар кўрсатилиши шарт. Яъни ўлган шахс сиртмоқни ўзи маҳкамлаб, ўзи торгани ҳақида маълумот берувчи мурда қўлларидаги бегона моддаларнинг бор ёки йўқлиги, странгуляцияон изнинг тўлиқ баёни, бўғилишга хос бўлган ҳолатлар, яъни сийдик пуфаги, тўғри ичак ва уруғлик каналининг беихтиёр бўшатилиши аломатлари,⁴ мурда кийими чўнтагида ўлим олдида ёзилган хат бор ёки йўқлиги.

Мурда бўйнида қўл билан бўғишга хос бўлган ярим

ойсимон ва бошқа шаклдаги - бармоқ ва тирноқларнинг излари, ҳамда унинг бурун, оғиз, иякларидан қондалаш ва шилиниш излари бор ёки йўқлигини текшириб, баённомада қайд қилиш керак. Чунки буларнинг ҳаммаси ўлим олдидан биров билан бўлган курашнинг излари бўлиши мумкин. Сийдик пуфаги, тўғри ичак ва уруғлик канали бўшатилиши излари қаерда бўлиши ҳам жуда муҳим, бу излар ўзини ўзи ўлдириш инсценировка қилганлигини аниқлашда ёрдам беради. Агар бу излар мурда сонининг ички қисмида эмас, балки бошқа жойида аниқланса, демак, ўлим сиртмоқда эмас, балки бошқа ерда содир бўлганидан далолат беради.⁵

Кўздан кечириш учун олинаётган сиртмоқ маҳкамланган еридан шундай ечилиши керакки, унда ҳамма тугунлар сақланиб қолиши зарур. Сирпанувчи сиртмоқдаги тугунни маҳкамлаш лозим. Бунинг учун керакли жойга сим парчаси тиқиб қўйиш ёки ўша жойни чизимча билан боғлаш керак. Сирпанувчи сиртмоқни кўзгатиш тавсия этилмайди, чунки у ҳолда сиртмоқда бўлган бегона заррачалар ўчиб кетади.

Сиртмоқ ечилаётган вақтда кесилган арқон учлари чизимча билан боғлаб қўйилади, акс ҳолда улар ўзаро ва ундан аввал ҳосил бўлган учлар билан чалкашиб кетади. Аввал бўлган арқон учлари мато ёки қоғоз билан ўралиб, ип билан боғланади ва унга ёрлиқ илинади. Бу ёрлиққа қўйидагилар ёзилади: "Фалончи куни ҳодиса рўй берган жойдаги сиртмоқ учлари". Шунда қоғоз ёки мато билан ўралган сиртмоқ учлари ўз ҳолича қолади ва бегона заррачалар йўқолмайди, бу эса экспертлар учун жуда муҳимдир. Тугунларни боғлаш усуллари, чунончи профессионал тугунлар дейилувчи тугунларнинг мавжудлиги жиноятчини фош этишда жуда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга жабрланувчи шахс ўз қўли билан тугун боғлаганини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Баённоманинг сиртмоқни кўздан кечириш ҳақидаги қисмида қўйидагилар ёритилади: сиртмоқ қайси материалдан қилинганлиги; унинг қалинлиги ҳамда унда тугун ва бошқа нарсалар бор ёки йўқлиги. Бу хусусий белгилар странгуляцияон ариқчанинг кўринишига таъсир этади. Шу сабабли уларнинг сиртмоқ узунлиги бўйича қандай эканлиги баён этилиши керак; сиртмоқ айланасининг узунлиги; сиртмоқ тури (сирпанувчи ёки кўзгалмас); мурда бўйнида сиртмоқ ҳосил қилувчи тугун ҳолати: мурда бўйнида, сиртмоқ маҳкамланган таянчга ёки бошқа предметларга тегиб туриши ёки тегмаслиги; сиртмоқнинг кесилган ёки ўзилганлиги, учларидаги тўқималар титилган ёки йўқлиги, бўш қолган учларнинг узунлиги; сиртмоқда соч толалари, қон излари, ўлган шахснинг қўлларида топилган ва сиртмоқ маҳкамланган жойда аниқланган бегона моддалар бор ёки йўқлиги; қилчаларнинг таянч томонга йўналгани (бу сиртмоқнинг эркин тортилишига ҳос) ёки таянчдан тескари томонга қарагани (сиртмоқ тана билан бирга тортилганлигидан далолат беради).

Хона ёки ён-атроф кўздан кечирилаётганда ўзини ўзи осийга ҳос бўлган қўйидаги предметларга эътибор қаратилади: сиртмоқ материалига

ўхшаш нарсалар (арқон, чизимча, сим); ўлим олдидан ёзилган хат, бундай хатни ёзиш учун керак бўлган қоғоз ва ёзув қуроллари. Ўлим олдидан ёзилган хатларда бармоқ излари қолиши мумкинлигини ҳисобга олиб, бундай ашёвий далилни пинцет билан, агар у бўлмаса бармоқларнинг учидан, эҳтиёткорлик билан хатнинг бурчагидан кўтариб олиш ва махсус конвертга солиш керак.

Шунингдек, кўздан кечириш жараёнида ўзини ўзи

ўлдириш даражасига етказишга мажбур қилинишида ишлатилган қуролларнинг аломатлари, қийноқ қуроллари, таҳқирловчи хат ва бошқалар ҳам қидирилади.

Ҳодиса рўй берган жойни кўздан кечиришдан ташқари бошқа текширув ишлари ҳам бажарилиши лозим: хужжатлар талаб қилинади, тушунтиришлар олинади. Дастлабки текширув ишларини олиб бораётган терговчи, суриштирувчининг вазифаси, содир бўлган ҳодисада жиноят белгиларини аниқлаш: қотиллик, меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилиши, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва бошқалар.

Мурдада бегоналар томонидан етказилган жароҳатлар ёки содир этилган қотиллик ҳодисасини яшириш аломатларининг аниқланиш ҳолати Жиноят кодексининг 97-моддаси, яъни қасддан одам ўлдириш моддасининг тегишли бандлари билан жиноят иши кўзгатишга асос бўлади. Шунингдек, бахтсиз ҳодиса (ҳимоя мосламалари ва воситалари бўлмаслиги, огоҳлантирувчи белгилар йўқлиги) рўй берганлиги ҳақида ёки қотиллик белгилари бўлмади, маълум қоидалар бузилиши сабабли фалокат туфайли одам ҳаётдан кўз юмгани ҳақидаги далиллар аниқланса, у ҳолда бу далиллар асосида меҳнат муҳофазаси, йўл ҳаракати қоидалари, тоғ-қон, қурилишдаги хавфсизлик қоидаларининг бузилиши бўйича белгиланган моддаларга асосан жиноят иши кўзгатилади. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш аломатлари аниқланса, у ҳолда Жиноят кодексининг 103-моддаси билан жиноят иши кўзгатилади.

Агар жиноят таркибининг аниқ белгилари кўрсатилмасдан, номмагина ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатиш бўлса, жиноят иши қонун талабларига зид равишда асосиз кўзгатиш деб топилиб, бекор қилиниши лозим.

Кўзгатишган жиноят ишлари ва жиноят иши кўзгатишни рад этиш материалларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, жиноят иш кўзгатиш ҳақидаги масаланинг самарали ва тез ҳал бўлиши кўп жиҳатдан текширувчи томонидан жиноят изларини топишга интилиши ёки текширув вақтида фақатгина бирор жиноят белгилари йўқ эканлигига амин бўлиш билан чекланиб қолишига боғлиқ. Кўп ҳолатларда терговчи жабрланувчи шахс ва бошқа одам орасида моддий муносабатлар бўлмаганлигига асосланиб жиноят иши кўзгатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Шуни қайд қилиш лозимки, қонунчиликда бошқа кўринишлардаги қарамлик ҳам кўзда тутилган. Шахснинг қадр-қимматини поймол этиш, унга нисбатан аёвсиз ва ваҳшийларча муносабатда бўлиш ҳам ўзини ўзи ўлдиришга олиб келиши мумкин. Демак, буларнинг ҳаммаси жиноят иши кўзгатиш учун асос бўла олади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жиноят таркибининг барча элементларини дастлабки текширув жараёнида аниқлаш имкони бўлмайди, улар дастлабки тергов жараёнида аниқланади.

Шунинг учун, ўзини ўзи ўлдириш ҳолатларини дастлабки терговолди тешириш жараёнида ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилинганлик даражасига етказишда, яъни ЖК 103-моддасининг тегишли қисмидаги жиноят аломатлари аниқланданига жиноят иши кўзгатиш лозим бўлади.

Қандай далиллар жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсни аниқлашга, яъни қарамлик муносабатларини таърифлашга ёрдам беради? Бу эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, хўжаликни биргаликда бошқариш, фарзандларни тарбиялаш, бир оилада ёки бир хонадонда яшаш, ҳамкорликда ишлаш, ўқиш ва спорт билан шуғулланиш, бўш вақтни бирга ўтказиш. Қарам-

лик, нафақат ўлган шахс билан бирга яшаган ва жонига қасд этишидан олдин у билан тез-тез мулоқотда бўлган одамлар орасида балки, анча узоқда яшовчи, лекин бирга ишлайдиган, узоқ ерда бирга яшаган ёки бирга дам олган, турмуш қуришдан аввал таниган, билган одамлар орасида ҳам бўлиши мумкин. Бундай муносабатлар ҳақида ўлган одамнинг яқинлари билмасликлари ёки ўз жонига қасд қилишига боғлиқ эканлигини пайқамасликлари мумкин. Шунинг учун текширув вақтида ана шундай ҳолатлар билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур жиноятнинг объектив белгилари деб қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин: ҳақоратлаш, ёзма ёки оғзаки, фаол равишда ёки бепарво, мимика ёки пантомимика билан, баъзида беҳаё қилиқ ва ҳазил кўринишида одам устидан кулиш, шунингдек, безорилик ҳаракатлари ва аноним тўхматлар.

Хизмат доирасидаги муносабатларда шахс кадр-қимматини доимий равишда ҳақоратлаш, бу асоссиз танбех бериш ва койиш, хизматлари эвазига лойиқ бўлган тақдирлашдан маҳрум этиш, асоссиз равишда маоши камайтирилишига сабаб бўлувчи ёки ишдан бўшаб кетишга мажбур қилувчи лавозимга тайинлаш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Шафқатсиз муносабатлар қуйидаги кўринишда намоён бўлади: калтаклаш, қийнаш, тан жароҳати етказиш, ноқонуний равишда эркинликни чеклаш, зарур бўлган озиқ-овқатдан маҳрум қилиш, кучи етмайдиган ва ноқонуний ишларни бажаришга мажбурлаш ва бошқалар.

Далилларни баҳолашда бирор қийинчиликлар юзга келганда терговчи психолог, педагог ва психиатрга маслаҳат учун мурожаат қилиши керак. Санаб ўтилган далилларни — жиноят аломатларини излаш, ўлган одам билан бир оилада ёки ўлими олдидан бошқа ерда яшаган, бирга ишлаган, ўқиган, ишдан ёки ўқишдан ташқари вақтини бирга ўтказган, бирга спорт секциялари, адабий ва ҳаваскорлик тўғрисида қатнашган одамлар билан ўтказилган суҳбатдан кейин аниқлаш мумкин. Баъзида, унинг жамоат ишлари бўйича ўртоқлари оила аъзоларига қараганда шахснинг кайфияти, унинг фикрлаши ва ҳис-туйғулари ҳақида кўпроқ маълумот беришлари мумкин.

Балоғат ёшига етмаганлар ўзини ўзи ўлдириш вазиятларида, биринчи навбатда уларнинг синфдошлари, ўртоқлари, ўқитувчилари, умуман у билан кўпроқ мулоқотда бўлганлар билан суҳбатлашиш, ундан кейин ота-оналари билан учрашиш тавсия қилинади. Кўп ҳолатларда айнан ота-оналар ўзлари билмаган ва хоҳламаган ҳолда болаларига нисбатан қаттиққўл муносабатда бўлиб (уларнинг фикрича бу каби қаттиққўллик болани интизомли ва гапга қулоқ соладиган қилиб тарбиялашга ёрдам беради) уларни таҳқирлашди ва камситишди.

Мазкур ҳолатларни инobatга олиб, суҳбатларда қуйидаги асосий саволларга аниқлик киритиш лозим: шахснинг ўлими олдидан кайфияти ва интилишлари қандай бўлгани, қандай ҳаётий режалари борлиги, нимага интилиши, ўзини ўзи ўлдириш нияти бор ёки йўқлиги, нима учун бошқа чораларни изламаганлиги, ўзини бирор кишига қарам деб ҳисоблаши, бирор одам томонидан таҳқирланиш, хўрланиш, камситиш ва маънавий ҳамда жисмоний қийнаш ҳолатлари

бўлганлиги, булар ҳақида кимга айтгани ва ўша одамларнинг бунга бўлган муносабатлари, суҳбатлашадиган одамнинг ўз жонига қасд қилган шахс тўғрисидаги фикри.

Бундан ташқари, Жиноят процессуал кодексининг 81-моддасига биноан (далилларнинг турлари) қуйидаги ҳужжатлар тўпланиши керак: иш жойидан, мактабдан ёки бошқа ўқув ташкилотидан, маҳалладан тавсифнома ва бошқа маълумотлар. Кутубхонадан ўлган одам ўқиган китоблар рўйхати, тиббиёт муассасаларидан, хусусан, руҳий касалликлар диспансеридан — рўйхатда турган ёки турмаганлиги ҳақида маълумотнома талаб қилиниши керак.

Марҳумнинг хатлари, кундаликлари, ён дафтарчаси, ҳарбий билети ва бошқа ҳужжатлари билан танишиб чиқиш тавсия қилинади, чунки булар унинг қандай одам бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Тергов вақтида, ўлган шахс доимий равишда спиртли ичимликлар ичиб келганлиги аниқланган бўлса, у ҳолда бунга алоҳида эътибор берилади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда, жиноят иши материалларида суд тиббиёти экспертизаси хулосасидан ташқари фақатгина бир неча тушунтириш хатлари олинди, унда ўзини ўзи ўлдириш одам тез-тез спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд этилиб, айнан шу ҳужжатлар асосида жиноят иши кўзгатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Қарорда жабрланувчи алкоголизм дардига чалинганлиги ва бу ҳодисада жиноят таркиби мавжуд эмаслиги баён этилади. Бундай хулосани юридик жиҳатдан баҳолаш деб бўлмайди. Ундан ташқари, бирор одамнинг алкоголизм касалига мубтало бўлишига унинг доимий равишда камситилиши ёки ҳақоратланиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалан, бирор киши маълум сабабларга кўра ишдан бўшаб кета олмайди, бундан фойдаланиб уни доимий равишда камситиб, бошқаларга нисбатан ёмон шароитда ишлашга мажбур қилинади, содир этган майда хатолари учун доимий равишда танбехлар берилади, ваҳоланки, бошқаларнинг шу каби хатоларини ҳеч ким сезмаслиги мумкин, у бажарган иш ҳақида масхара-омуз оҳангда гапириш ва ҳ.к. Агар одамнинг иродаси бўш бўлса, у асабларини бўшатиш мақсадида спиртли ичимлик истеъмол қилиши мумкин. Шунинг учун алкоголизм дардига учраган одам ўз жонига қасд қилганлиги тўғрисида хабар олинганда, албатта спиртли ичимликларни ичишга олиб келган сабабларни аниқлаш керак.

Ўзини ўзи ўлдириш ҳодисаларини текшириш натижасида маъмурий, пенсия, уй-жой, меҳнат қонунчиликлари билан боғлиқ бўлган турли қонунбузарликлар ҳам аниқланиши мумкин. Шунингдек, текшириш материалларида ўғрилиқ, суиистеъмол қилишлар, порахўрлик, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар савдоси ва бошқа шунга ўхшаш маълумотлар тез-тез учраб туради. Бундай ҳолларнинг барчасида ўлган одамнинг шу ҳолатларга боғлиқлиги ҳақида мулоҳаза юритилиши, терговчи тушунтириш хатлари ва йиғилган ҳужжатлардаги маълумотлар, ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилгандан сўнг олинган дастлабки (тезкор) тиббий ва бошқа экспертизаларнинг хулосалари натижаларга асосланиб жиноят иши кўзгатиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим.

¹ Мусаев М.А. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишни тергов қилиш.—Т., 2007.—10-бет.

² Селиванов Н.А. Экспертиза на предварительном следствии. — М., 1980 — 57 с.

³ Селиванов Н.А. Экспертиза на предварительном следствии. — М., 1980 — 59 с.

⁴ Д.И.Мейер, Л.Я. Задорожнюк. Тактические особенности подготовки материалов для производства посмертной судебно-психиатрической экспертизы. Сб. «Криминалистика и судебная экспертиза» — Киев, 1975 — 64 с.

⁵ Селиванов Н.А. Экспертиза на предварительном следствии. — М., 1980 — 55 с.

Шоназар БЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси,
юридик фанлар номзоди

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ

Жамият тарихига назар ташланса, вояга етмаганлар масаласи ҳамisha долзарб бўлиб келганлигини, ҳар бир замонда ва ҳар бир давлатда ёш авлод тақдири билан боғлиқ турли даражадаги сиёсат юритилганлигини кузатиш мумкин. Кейинги тўқсон йилнинг ўзида Ўзбекистонда профилактика масалаларини ҳал этиш билан шуғулланувчи қанчадан-қанча тузилма ва институтлар ташкил этилмади, қайта тузилмади, қайта номланмади дейсиз?! Милиция болалар хонаси, вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекциялар, вақтинча ушлаб туриш марказлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича турли даражадаги комиссиялар, махсус мактаблар, васийлик ва ҳомийлик ташкилотлари, вояга етмаганлар бандлиги ташкилотлари, прокурорнинг вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи ёрдамчилари, турли соҳа экспертлари шулар жумласидандир. Шунга қарамаздан вояга етмаганлар билан боғлиқ барча масалалар жамият олдида турган биринчи галдаги масала бўлиб қолаверди.

Собиқ шўролар ҳукумати томонидан инқилобдан кейинги даврда ўртага ташланган “Болалар учун суд ва қамок йўқ” деган шиор Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 14 январдаги Декрети билан мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур Декретга асосан болалар ва вояга етмаганлар учун суд ва қамок чоралари бекор қилиниб, ижтимоий хавфли ҳаракат содир этган 17 ёшгача бўлган шахсларнинг ишлари Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга топшириладиган бўлди. Комиссия эса уларни ё озод этиши ёки қилмишининг хусусиятига кўра Халқ комиссарлигининг умумий бошпаналаридан бирига жойлаштириши шарт эди. Ўша XX асрнинг 20-йиллари охиригача вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги қонунчилик бир неча бор ўзгарганлигига қарамаздан, жиноий жавобгарлик мажбуриятини ва тарбия чораси сифатида устуворликни қўлдан бермай келди.

Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жазо чораларини кучайтириш тамойили 30-йиллар бошларидан бошланган ва бу тамойил 1935 йил 5 апрелда Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Совети томонидан қабул қилинган “Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши кураш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарордан сўнг янада ёрқин намоён бўлди. Мазкур қонун ҳужжати билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёш анча “ёшарди”. Жумладан, ўғирлик, зўрлаш, тан жароҳати етказиш, одам ўлдириш каби жиноятларни содир этишда айбланган шахслар 12 ёшдан бошлаб жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди. Собиқ иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилигида ҳам вояга етмаганлар учун тиббий-педагогик чоралар қўллашни назарда тутувчи 8-модда бекор қилинди. 1935 йил 31 майда “Болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилиниб, унга кўра вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тугатилди.

Юқоридаги каби ҳужжатларнинг қабул қилиниши замирида ўша даврда ҳукмрон бўлган “мажбурият чоралари жиноятчиликка қарши курашнинг универсал воситаси” деган нотўғри нуқтаи назар мужассам.

Ҳаёт мажбуриятини йўли билан жиноятчиликнинг, айниқса вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини тўлиқ олиб бўлмастлигини рўй-рост кўрсатди. Шу боис йигирманчи асрнинг иккинчи ярмига келиб вояга етмаганлар масаласига эътибор кескин ўзгарди. БМТ томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор халқаро шартномалар қабул қилинганлиги ҳам бежиз эмас.

Жумладан, “БМТнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари” (“Пекин қоидалари”) 1985 йил 29 ноябрда, “БМТнинг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари” (“Ар-Риёд дастурий принциплари”) 1990 йил 1 декабрда, “БМТнинг озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари” 1990 йил 14 декабрда, “БМТнинг қамокда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари” (“Токио қоидалари”) 1990 йил 14 декабрда қабул қилинди.¹

Истиқлолга эришилгач, давлатимиз томонидан ратификация қилинган илк халқаро шартномалардан бири БМТнинг 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясидир. Мазкур Конвенция 40-моддасининг 1-бандида қонунни бузишда айбланаётган ёки айбдор деб топилган ҳар бир боланинг унда кадр-қиммат ва аҳамиятга моликлик ҳис-туйғусини тарбияладиган, инсон ҳуқуқларига ва бошқаларнинг асосий эркинликларига ҳурматни мустаҳкамлайдиган ҳамда бунда боланинг ёши ва ўзини ўнглаб олиши, жамиятда фойдали ўрин тутишига кўмаклашиш истагини ҳисобга олиш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

“БМТнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари”нинг 1.4-бандида юқорида айтилганларга ҳамоханг равишда вояга етмаган болаларга нисбатан судлов ҳаракатлари барча вояга етмаганлар учун ҳар томонлама ижтимоий адолатни таъминлаш ва айнаи чоғда шу йўл билан ёшларни ҳимоялаш ва жамиятда тинчлик-осойишталикни сақлаб туриш доирасида ҳар бир мамлакат миллий тараққиёти жараёнининг узвий қисмига айланиши зарурлиги таъкидланган.

Айнан шундай тамойиллар инсонпарварлик ғоялари асосида мамлакатимизнинг жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган янги мумтоз қонунда ўз аксини

топди. Бу 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўлиб, у суд-ҳуқуқ ислоҳоти негизида амалга оширилган энг катта вазифалардан бири сифатида истиқлолимиз тарихидан жой олди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларидаги теранлик ва изчиллик 2001 йилда қабул қилиниб, юртимизда либераллаштириш жараёнларини бошлаб берган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг самарадорлигини таъминлади.

Қонун ижодкорлари унда, гарчанд ҳаракатларида жиноят таркиби бўлса-да, айбдорнинг шахсини ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, уларни жиноий жавобгарликдан озод қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади. Гап Жиноят кодексининг “Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш” (64-модда), “Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш” (65-модда), “Айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш” (66-модда), “Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш” (66¹-модда) деб номланган моддалари ҳақида кетмоқда. Масалала бундай назарий ёндашув бағоят тўғрелиги ва самарадорлигини ҳаётнинг ўзи рўй-рост кўрсатади.

Бу борадаги ишлар бизда вояга етмаган ҳар бир шахсда кадр-қиммат ва инсоний ҳис-туйғуларни тарбиялаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурматни ошириш, вояга етмаганлар назоратсиз, қаровсиз қолиб ҳуқуқбузарликлар, жамият учун зарарли ҳаракатлар қилишларига йўл бермаслик, бундай оғишларга олиб келувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бар-тараф этиш ишлари билан муштараклик касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда, шунингдек, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурда ташкил этилган вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар балоғат остонасидан ўтмай туриб ҳуқуқбузарлик қилиш ҳолларига қарши курашга жамоатчилик асосида бош бўлиб турибди.²

2008 йил 7 январда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганлиги эса мамлакатимизда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш, уларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш ҳамда ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилади.

Шундай бўлса-да вояга етмаганлар билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш борасида талайгина муаммолар борки, улар илмий-амалий жиҳатдан алоҳида ўрганишни тақозо этади. Хусусан, Жиноят кодексининг шу соҳадаги концепциясида икки хил йўналиш мавжуд. Биринчи йўналиш билан боғлиқ ҳолатда вояга етмаганлар жиноятнинг объекти сифатида гавдаланиб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳамда жабрланувчи сифатидаги, моддий ва маънавий зарар кўрган шахс сифатидаги ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, шунингдек бузилган ҳуқуқларини тиклаш назарда тутилган.

Иккинчи йўналишда эса жиноят содир этган вояга етмаган шахслар жиноят таркибининг зарурий элементи — субъект сифатида ифодаланган.

Жиноятчиликка қарши курашда бу иккала йўналишнинг ҳар бирига қонун ижодкорлари томонидан Жиноят кодексига алоҳида, бир-бирдан тубдан фарқ қилувчи икки хил сиёсий-ҳуқуқий муносабат билдирилган.

Биринчи йўналишга мувофиқ жиноят тўғрисидаги қонун билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларда вояга етмаганларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳуқуқлари муҳофаза қилиниши билан бир қаторда, улар Жиноят кодексининг 118–119, 122–125, 127–131, 135-моддаларида жиноят объекти сифатида, шунингдек 145-моддасининг иккинчи қисми, 245-моддаси, 273-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди, 277-моддаси иккинчи қисмининг “д” бандида ҳам объект сифатида, ҳам жавобгарликни оғирлаштирувчи белги тарзида ифодаланганлиги уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари қонун ижодкорлари томонидан олий қадрият сифатида эътироф этилганлигини кўрсатади.

Жиноят кодексининг 118–119-моддалари шахсларнинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий эркинлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, бу моддаларда қайд этилган жиноятлар вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилган тақдирда, уларнинг ҳали жисмонан тўлиқ етилмаганлигини, содир этилган жиноят улар организмнинг анатомик ва психологик ҳолатига кучли салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб кучайтирилган жиноий санкциялар белгиланган. Жумладан, мазкур моддаларнинг учинчи қисмига биноан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб жинсий алоқа қилиш ёхуд жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда содир этилган бўлса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган. Юқорида қайд этилган қабиҳ ҳаракатлар ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилса, жиноятчига нисбатан Жиноят кодекси мазкур моддаларининг тўртинчи қисмига кўра ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 2 мартдаги ҳукмининг тавсиф қисмида айтилишича, муқаддам бир неча бор судланган ўта хавфли рецидивист Б.Т.Муслимходжаев 2008 йил 24 ноябрь куни маст ҳолда 1999 йил 13 августда туғилган З. исмли қизни орқасидан келиб, бўйиндан бўғиб кўтариб олиб, мактабнинг орт томонидаги электрошит орқасига олиб ўтиб, унга нисбатан зўрлик ишлатиб, яъни оғзини ёпиб, ўлдириш билан қўрқитиб жинсий алоқа қилмоқчи бўлаётган вақтида, шу мактабнинг қоровули келиб қолганлиги сабабли, жиноий қилмишини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмаганлиги аниқланган. Суд Б.Т.Муслимходжаевни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25-моддаси ҳамда 118-моддасининг тўртинчи қисми билан айбдор деб топиб 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилган, жазо махсус тартибли колонияда ўталиши белгиланган.³

Фикримизча, суд айбдорга нисбатан жазо тайинлашда айнан жиноятнинг ижтимоий хавфлигини, яъни жабрланувчининг ҳали вояга етмаганлигини, жисмоний ва рўхий жиҳатдан жабрланганлигини, жавобгарликни оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб тўғри хулосага келган.

Қонун ижодкорлари ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг номусига зўрлаб тажовуз қилганларга

нисбатан оғир жазо тури ва узоқ муддатли санкция белгилаш билан бирга уларга жазодан муддатидан илгари озод этиш каби рағбатланувчи нормани қўлламасликка қарор қилиш билан масаланинг жуда ҳам тўғри ечимини топганлар. Хусусан, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш жинояти содир этганлиги учун ҳукм қилиниб жазо ўтаётган маҳкумларга нисбатан ЖКнинг 73-моддаси тўртинчи қисми "г" бандига мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этиш чорасининг қўлланилмаслиги ҳам жамиятимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини давлат ўз назоратига олиб, уларнинг ҳуқуқлари кафолатини таъминлаётганлигидан далолатдир.

Иккинчи йўналишга келганда шуни айтиш керакки, вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод этишда ЖКнинг Умумий қисмида кўрсатилган барча рағбатланувчи нормалар татбиқ этилади, бироқ бу нормаларнинг ҳар қайсисини қўллаш асосларининг ўзига хос хусусияти бор.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2008 йил 8 майдаги ажримда баён этилишича, З.Камолова 2-Қатортол кўчасида (Мевазор маҳалласида) 2008 йил 25 март куни соат тахминан 17-00 ларда 2004 йилда туғилган У.Зухриддиновнинг қўлоғидаги зирагини ечиб олиб воқеа жойидан яшири-наётган вақтида шу атрофда бўлган фуқаролар томонидан ушланган ва дастлабки тергов органи томонидан Жиноят кодекси 166-моддасининг биринчи қисми билан айбланиб судга юборилган.⁴

Суд З.Камоловага нисбатан ЖКнинг 65-моддасини қўллаб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилган. Суд бунда Ўзбекистон Олий судининг "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарори 2-бандининг ЖК 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланишини англамаслигини, шу тўғрисида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни Кодекснинг 65–66, 70–71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги тўғрисидаги тушунтиришига асосланиб, судланувчининг вояга етмаганлигини, муқаддам судланмаганлигини, онаси билан ёлғиз туришини, унинг қилмиши бугунги кунга келиб ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги каби ҳолатларни инобатга олган.

Фикримизча, суд айбдорни жиноий жавобгарликдан озод этишда айнан унинг қилмиши ижтимоий хавфлилигини йўқотганлигини, шунингдек жавобгарликни енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб тўғри ҳулосага келган. Лекин у ўз ажримда талончилик орқасидан қўлга киритилган мулк эгасига қайтарилганлигини кўрсатиб ўтса, шунингдек жабрланувчини суд мажлисига жалб этиб, судланувчига нисбатан мажбурлов таъсир чоралари қўллаш-қўлламаслик ҳақидаги фикрини билиб, ажримда шу хусусда ўз муносабатини билдирса, суд ҳулосаси янада асосли ва ишончли бўлар эди.

Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан вояга етмаганларни жавобгарликдан озод қилиш алоҳида тўхталишни тақозо этадиган масалалар сирасига кирилади.

ЖКнинг 87-моддаси биринчи қисмида "Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бош-

қа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган ҳулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин"⁵ лиги қайд этилган. Ушбу моддадаги "уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган ҳулосага келинса" деган шарт вояга етмаган шахсга мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан фақат суд озод этишини аниглади. Ҳолбуки, Жиноят-процессуал кодекси 564-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, "Вояга етмаган шахсни Жиноят кодекси 87-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиб, материалларни вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширишда терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради".⁶ ЖК ва ЖПК нормалари ўртасидаги бу тафовутни бартараф қилиш зарур. Бунда айбдор шахс фақатгина моддий қонун, яъни ЖК нормаси талаби асосида жиноий жавобгарликдан озод этилишини қайд этиш лозим. Шу сабабли вояга етмаган шахсни дастлабки терговда жавобгарликдан озод этиш механизми мавжудлиги, терговчи ва прокурор ҳам бундай ваколатга эга эканлигини кўрсатиш жоиз. ЖКнинг 87-моддаси биринчи қисмининг давлат тилидаги матни билан рус тилидаги матни ўртасида номувофиқлик кўзга ташланади. Хусусан, модда матнининг ўзбек тилидаги ифодасида рус тилидаги "материалы" деган сўз "иш" тарзида, шунингдек, "с учетом характера" деган жумланинг эса "хусусиятлари... эътиборга олиб" йўсинида берилганлигини тўғри деб бўлмайди. Атамаларни ишлатишда ҳам бир хиллик таъминланмаганлиги оқибатида "его исправление" деган жумла Кодекснинг 42-моддасида "маҳкумни ахлоқан тузатиш" деб тўғри ифодалангани ҳолда 87-моддада "маҳкумни тузатиш" тарзида нотўғри ифодаланган. Жиноят-процессуал кодекси билан Жиноят кодекси нормаси ўртасидаги тафовутни, шунингдек юқорида қайд этилган 87-модда биринчи қисмининг (Жиноят кодекси) икки тилдаги матни ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш учун Жиноят кодекси 87-моддасининг биринчи қисми, бизнингча, қуйидаги тахрирда берилиши керак:

"Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этилган қилмишининг хусусиятларини, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини инобатга олиб, жавобгарликка тортмасдан ёки жазо қўлламасдан туриб ҳам уни ахлоқан тузатиш мумкин деган ҳулосага келинса, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиниб, материаллар вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин".

Бундан ташқари, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар шунга олиб келдики, Жиноят кодекси Махсус қисмида қайд этилган жиноятларнинг 75 фоизини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этмоқда.

Кодексдаги саккиз бўлимнинг биттаси (олтинчи бўлим) вояга етмаганларнинг жавобгарлигига бағишланган бўлиб, 82-моддасида жарима, 83-моддасида ахлоқ тузатиш ишлари, 85-моддасида озодликдан маҳрум қилиш жазолари ёшни инобатга олган ҳолда жавобгарликни табақалаштириш ва жазони индивидуаллаштириш талаблари асосида белгиланган. Жумладан, 85-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаат-

лари ҳимояси қафолати, инсонпарварлик, одиллик принципларининг чинакам амалий ифодаси суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилишида, вояга етмаганларнинг ривожланганлик даражасини, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлигини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олишида, ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкинлигида, жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги белгиланганлигида (ЖКнинг 86-моддаси) айниқса яққол кўзга ташланади. Ҳолбуки, 1959 йилдаги Жиноят кодексига кўра жазо тайинлаш тартиби барча ёшдагиларга бир хил татбиқ этиларди.

ЖКнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни, шунингдек жазони енгилроғи билан алмаштиришни назарда тутувчи 73–74-моддалари жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, ядровий, кимёвий, биологик қирғин қуроолларини, шундай қурооллар ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал, усқуналарни контрабанда қилиш учун ҳукм қилинган вояга етган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги белгиланган.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, ЖКда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик, инсонпарварлик принципларидан келиб чиқиб, вояга етмаганларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда (89-модда) ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришда (90-модда) юқоридаги мезон ўрнатилмаган. Бундай имтиёзларни Кодекснинг 73-моддаси учинчи қисмининг “а”, “б”, “в” бандлари билан 89-моддаси 3-қисми “а”, “б”, “в” бандларини таққослаганда ҳам кузатиш мумкин. Ўн саккиз ёшдан ошганлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини, вояга етмаганлар эса камида тўртдан бир қисмини, оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини, вояга етмаганлар эса оғир жинояти учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини, ўта оғир жи-

нояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини, вояга етмаганлар учун эса камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин юқоридаги имтиёзлар қўлланилиши мумкин.

Яна бир гап. Жиноят кодексининг 85-моддасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноят учун уч йилгача, оғир жиноят учун олти йилгача муддатга тайинланиши белгиланган бўлиб, бу ёшдагилардан фарқли равишда айни шундай жиноятлар учун ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлганлар яна бир йил кўпроқ муддат билан жазоланади. Ўта оғир жинояти учун юқорида қайд этилган ҳар иккала тоифа субъектларига ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Ҳолбуки, мазкур Кодекс 50-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси 18 ёшдан ошганларга олти ойдан йигирма йилгача, тўртинчи қисмига мувофиқ эса йигирма йилдан йигирма беш йилгача муддатга белгиланиши ёки Кодекснинг 51-моддасига мувофиқ умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига мустаҳиқ этилиши мумкин.

Қонун ижодкорлари томонидан вояга етмаган айбдорларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси вояга етган айбдорларга қараганда камроқ муддатга тайинланиши белгилаб қўйилганлигида ўз ифодасини топган ижобий йўл вояга етганларга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатини белгилашда ҳам инobatга олинса, назаримизда, ёмон бўлмасди. Бу муддатларни тенг ярмига қисқартирган ҳолда ЖКга қуйидаги мазмундаги янги 86¹-модда киритилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

“86¹-модда. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш

Ўшбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган жавобгарликка тортиш муддатлари вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод этишда тенг ярмига қисқартирилади”.

Вояга етмаганлар ҳар томонлама уйғун камол топиши учун у оила бағрида, яқинларининг ғамхўрлигида ўсиши зарурлигини, тинчлик-осойишталикни, эркинлик ва тенгликни қадрлаш, сабр-тоқатли ва бағрикенг бўлиш, бирдамлик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбияланиши лозимлигини кўзлаган ҳолда, истиклолдан кейин қабул қилинган 20 та амнистия актининг барчасида биринчи марта судланган вояга етмаганларни жазодан озод этиш назарда тутилган.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш юзасидан катта ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, уларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш ёхуд тарбиявий хусусиятдаги мажбурлов чораларини қўллаш борасидаги тажрибаларимизни хориж тажрибаси билан киёслаш, шунингдек, тўпланган материалларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб бориш қонунни қўллаш амалиётида савияни ҳам, самарани ҳам оширишга хизмат қилган бўлар эди.

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам.-Т.: Адолат, 2004. —242-311-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли Қарори

³ Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича суди архив материалларидан. 1-33/09-сонли жиноят иши.

⁴ Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди архив материалларидан. 1-470/2008-сонли жиноят иши.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. — Т.: Норма, 2007. —43-б.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси кодекслари: тўплам. Т.: Адолат, 2006. —191-бет.

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси,
юридик фанлар номзоди

УЙ-ЖОЙГА ДОИР НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Республикада мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ фуқароларнинг мулк ҳуқуқлари белгиланган оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга эътибор қаратилди. Конституциянинг 53-моддасида «Ўзбекистон иқтисодиёти турли хил шаклдаги мулкчилик муносабатлари ташкил этади» деб белгиланган. Шундан келиб чиқиб мамлакатимиздаги давлатга тегишли бўлган уй-жойларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш тартибини белгиловчи қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун шулар жумласидандир. Ушбу қонун асосида давлатга қарашли кўпгина уй-жойлар фуқароларга шахсий мулк сифатида хусусийлаштириб берилди.

Ҳозирги кунда уй-жойлар ва кўп қаватли бинолардаги турар-жойларнинг олди-сотди шартномаси жуда кўп амалга ошириладиган шартномалар қаторига киради. Республикада мустақилликка эришгунга қадар кўп қаватли бинолардаги турар-жойларни сотиш шартномалари деярли учрамас эди. Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, бундай бинолар давлатга қарашли бўлиб, аксарият ҳолларда улардан фойдаланиш шартномаси тузиларди.

Ҳозирги кунда кўчмас мулкнинг бир тури бўлган уй-жойларни олиш ва сотиш учун махсус белгиланган уй-жой биржалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Уй-жойларнинг олди-сотди шартномалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 29-бобидаги «Кўчмас мулкни сотиш» номли 7-параграфда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар билан бир қаторда шу муносабатларни тартибга солишга қаратилган бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда. Бундай шартномаларни тузиш жараёнида қатор камчиликларга йўл қўйилиши уйни сотиб олган шахснинг сабабсиз зарар кўришига олиб келаяпти. Бундай камчиликлар асосан нотариал идоралар тақдим этилган факт ва тегишли ҳужжатларни ҳақиқатга қай даражада тўғрилигини тўла текширмасдан, нотариал гувоҳлантириб бериши натижасида келиб чиқмоқда.

Республикада амалга ошириладиган суд-

ҳуқуқ ислохотлари жараёнида нотариат фаолиятини тартибга солишга доир ҳуқуқий тизимга хусусий нотариал идораларни ташкил этиш, нотариусларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришлар фуқароларнинг нотариус хизматида тобора ортиб бораётган талабларини самарали қондиришга қаратилган. Бу эса нотариуслардан ўзлари амалга оширган ҳаракатлар натижасида кимдир жабр тортмаслиги учун жуда катта масъулият талаб этади. Нотариал ҳаракатлар асосан кўчар ва кўчмас мулклар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бир ҳужжатни қалбаки гувоҳлантириш ёки тасдиқлаш оқибатида кимдир уйсиз, мол-мулксиз қолиши ва бир неча йиллаб судма-суд сарсон бўлиши мумкин.

Масалан, Тошкент шаҳар Юнусобод туманида яшовчи А.Тўраев 2006 йилда ишончли вакил А.Базаровдан 2 хонали квартира сотиб олиб, бу уйнинг олди-сотди шартномаси нотариал идора томонидан тасдиқлаб берилди. Бу мерос уй бўлиб, Н.Алексеева турмуш ўртоғининг вафотидан кейин ўртада фарзанд бўлмаганлиги сабабли нотариал идорадан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиб, ушбу гувоҳнома асосида уйни сотиб, Россияда яшаш учун кетади. Гувоҳнома беришда нотариус Н.Алексееванинг эрининг олдинги никоҳидан фарзанди йўқлиги ҳақидаги оғзаки кўргазмаси асосида, бу маълумотни текширмасдан гувоҳнома берганлиги сабабли олди-сотди шартномаси расмийлаштирилгандан икки йил ўтиб марҳумнинг биринчи никоҳидаги 2 нафар фарзанди мерос уйдан улуш ажратиш бўйича судга даъво билан чиққан. Суд уларнинг мерос уйга бўлган улушини белгилаб қарор чиқаради. Меросхўрлар эса уйни ўз пулига сотиб олган А.Тўраевга талаб қўяди. Аслида ушбу низонинг келиб чиқишида қалбаки гувоҳнома берган нотариус ва уйни мерос сифатида олиш учун ёлғон маълумот берган Н.Алексеева жавобгар бўлиши лозим. Чунки «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 60-моддасида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришнинг шартлари белгиланган бўлиб, нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчи-

нинг вафот этганлигини, мерос очилган жой ва вақтни, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб ариза топширган шахсларнинг мерос қолдирувчи билан қонун бўйича вориликка чақириш учун асос бўладиган муносабатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойини текшириб кўриши лозим. Ушбу низо юзасидан суд олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиб, Н.Алексеевага сотилган уйнинг пулини қайтариш белгиланган. Бу қарорнинг ижросини таъминлашга аҳамият қаратадиган бўлса, олди-сотди бекор қилинганлиги тўғрисида уй пулини қайтариб бериши лозим бўлган Н.Алексееванинг яшаш жойи аниқ эмаслиги сабабли, меросхўрлар ҳали уй учун ҳисоб-китоб қилмаган бўлса-да А.Тўраевга уйни бўшатиш талабини қўяди.

Юқоридаги ҳолатда нотариус Н.Алексееванинг биринчи никоҳидан фарзандлари йўқлигини текшириб кўриши лозим эди. Шу билан бир қаторда ишончли вакил сифатида олди-сотди шартномасида иштирок этган А.Базаровни мерос уй учун олинган пулларни қайтариш юзасидан жавобгар қилиши зарур эди. Суд бу ҳолатларни эътибордан четда қолдирган. Шунинг учун ҳам уйни сотиб олган шахсни эмас, балки шу низоининг келиб чиқишига имкон яратган айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш лозим. Чунки, ҳар бир фуқаро ўзи сотиб олаётган уйнинг ҳужжатлари қонуний расмийлаштирилганлигини текшириб кўриш учун тўла юридик билимга эга бўлмайди, шунинг учун ҳам бу ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиб, уйни ўзига расмийлаштириш учун нотариал идораларга мурожаат қилади. Бундан ташқари сотиб олувчи бу уй учун тўла-ҳисоб китоб қилганлиги сабабли уйнинг пулидан улуш ундиришда уйни сотган ва уй учун пул санаб олган шахсга нисбатан даъво қилиш керак. Айрим нотариусларнинг ана шундай ўз ишига масъулиятсизлиги фуқароларнинг нотариал идораларга нисбатан шубҳа билан қарашига олиб келади. Бу эса ўз вазифасига виждонан ёндошиб, ҳалол ишлаб келаётган нотариусларнинг ҳам обрўсига зиён етказиши.

Хусусий нотариуслар ўзлари билмаган ҳолда мижозларига етказган зарарларни ўз вақтида қоплашни таъминлаш мақсадида “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолиятини суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузиши шартлиги, суғурта шартномасини тузмасдан ўз мажбуриятларини бажаришга ҳақли эмаслиги белгиланган. Бу эса нотариал идоралар томонидан етказилган зарарнинг суғурта идоралари томонидан ўз вақтида қопланишини кафолатлайди.

Уй-жой олди-сотди шартномасига оид низолар

асосан сотиб олувчининг шартнома тузилгандан кейин бу уйга бўлган тўла мулк ҳуқуқининг кафолатланмаганлигидан келиб чиқади. Чунки олди-сотди шартномасида уй-жойда яшаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар уй рўйхатидан чиқиб кетиш ҳақида огоҳлантирилиши ва олди-сотди шартномасининг мажбурияти сифатида уни бажаришни зиммасига олишига қарамай ўз вақтида рўйхатдан чиқмаслиги ёки рўйхатдан ихтиёрий чиқишдан бош тортиши натижасида сотиб олувчига моддий ва маънавий зарар етказилади. Моддий зарар уйни сотиб олувчи томонидан рўйхатда турган шахслар учун ҳам коммунал хизмат йиғимларни тўлаш, уларни рўйхатдан чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар бўлса, маънавий зарар уйни сотиб олгандан кейин ҳам мулк ҳуқуқидан тўла фойдалана олмаганлиги сабабли келиб чиқади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, уй-жой олди-сотди шартномаси давлат нотариуси томонидан тасдиқлангандан сўнг, уй-жойни сотган шахс билан биргаликда шу шартноманингни ўзини туман ички ишлар идораларининг паспорт бўлимига тақдим этиш орқали уйда рўйхатда турган шахсларнинг ўз-ўзидан рўйхатдан чиқиб кетишини йўлга қўйиш лозим. Олди-сотди шартномасининг мазмунида эса сотувчи билан бирга яшовчи шахсларнинг рўйхатдан чиқиб кетиши ва ички ишлар идораларидаги фуқаролар паспортини рўйхатга олиш бўлимидаги рўйхатдан ўзини белгиланган муддатларда чиқармаганлик учун шу идоралар томонидан жарима қўллаш чоралари белгиланиши керак. Бу жаримани қўллаш учун сотиб олувчи тақдим этган олди-сотди шартномаси асос бўлиши лозим. Чунки, нотариус олди-сотди шартномаси тузаётганда биринчи ўринда шу уйда яшаётган вояга етган ҳар бир шахснинг розилигини олишни таъминлайди. Улардан бирортасининг розилиги бўлмаса, бундай шартномани тузишга эришиб бўлмайди. Юқоридаги тақлифнинг амалиётга татбиқ этилиши сотиб олувчи ҳуқуқи таъминланишига, яъни сотиб олувчининг судга ариза билан мурожаат қилмасдан туриб уйда рўйхатда турувчи шахсларнинг ўз-ўзидан чиқарилишига, ўзи сотиб олган уйга шу олди-сотди шартномаси орқали тўла эга бўлишига ҳамда фуқаролик ишлари бўйича туман судларида қисман бўлса-да ишлар сонининг камайишига олиб келади.

Уй-жой олди-сотди муносабатлари фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг мураккаб турларидан бири ҳисобланади. Бу турдаги шартномаларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш истезмолчи сифатида сотиб олувчининг мулк ҳуқуқларини таъминлашда катта аҳамият касб этади.



Худоёр МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати,
юримдик фанлар номзоди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар янги демократик жамият асосларини барпо этиш, ижтимоий муносабатларни модернизация қилиш, замонавий ҳуқуқий тизимни ҳамда унга мос ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган.

Юксак ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тафаккур демократик жамиятнинг асосий хусусиятларидан бири, унинг маънавий-маърифий ривожини фодасидир. Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ҳуқуқий камолоти мамлакат аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси билан белгиланади. Республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув чоғида давлатимиз раҳбари И.А.Каримов фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини шакллантириш шу куннинг долзарб мавзуси эканлигини таъкидлаган эдилар¹.

Фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги ҳамда ҳуқуқий саводхонлиги муайян мамлакатда халқ фаровонлиги ҳамда жамият тараққиётининг гаровидир. Бинобарин, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқини англамаса ҳамда ўзини ҳимоя эта олмаса, у ўз келажагидан махрум бўлади. Шу боис, мамлакатимиз Президенти “Мустақиллик — бу энг аввало ҳуқуқдир” деган фикрнинг дастурий шиори сифатида ўртага қўйишида чуқур рамзий маъно бор.

Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, бу борадаги халқаро стандартларни ижтимоий воқелигимизга жорий этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. “Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилди... Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўзифодасини топди”². Шу билан бирга, республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузи ошгани сари фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксал-

тириш зарурияти ҳаёт талабига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Юксак ҳуқуқий тафаккур — демократик жамият тақозоси” номли маърузасида янги жамият барпо этишга йўналтирилган ислохотлар жараёнини чуқур таҳлил этиб, уларнинг самарасини таъминлаш учун халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳолига янада теранроқ етказиш долзарб вазифа эканлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш ва шу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онгини шакллантириш талаб этилмоқда. Башарти, юксак ҳуқуқий тафаккур шаклланмаса, турли хил номутаносибликлар келиб чиқади. Айнан юксак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқ устуворлиги нафақат бугунги жамиятимиз учун, балки ўсиб-униб келаётган кейинги авлод учун ҳам зарурдир³.

Шу жиҳатдан олганда, аҳолининг, хусусан, ёшлар ҳуқуқий маданиятини қарор топтириш ва юксалтириш “Таълим тўғрисида”ги⁴, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида⁵ марказий мавзулардан бирини эгаллаганлиги эътиборга сазовордир. Ушбу қонун ҳужжатларида мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этилиши жамиятнинг маънавий янгиланиши билан бевосита боғлиқлиги эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг Комплекс дастури тўғрисида”ги 1994 йил 13 июнда қабул қилган қарорида ёшлар ҳуқуқий маданиятини ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг зарурий шартини, муҳим омили эканлиги алоҳида таъкидланган⁶. Қарорда мамлакатда ёшларга ҳуқуқий таълим беришнинг мукамал тизимини вужудга

келтириш масаласи кун тартибига қўйилган.

Мамлакатда ижтимоий адолат тантана қилиши, тинчлик ва барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бинобарин, мазкур субъектлар ўртасидаги муносабатларда уйғунликка, уларнинг манфатлари мутаносиблигига эришилсагина адолатли жамият барпо этилади. Улар бир-бирининг ваколатларини, ҳуқуқларини яхши билиши ва ҳурмат қилиши ижтимоий барқарорлик, осойишталик ҳамда фаровонликнинг зарур шарти ва муҳим омили саналади.

Ушбу ўта муҳим ҳамда залворли вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июнда қабул қилган “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур фармондаги марказий ғоялардан бири “аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш давлат сиёсатининг асосий йўналиши” этиб белгиланганлигидир.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш борасидаги давлат сиёсати инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бирламчи аҳамиятга эга эканлиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, демократлашув, ижтимоий адолат, ҳуқуқий тарбиянинг илмийлиги, изчиллиги ва умумийлиги, ҳуқуқий маълумотларнинг очиклиги, ҳуқуқий тарбия ва саводхонликка ўзига хос муносабатда бўлиш каби асосий қоидаларига таянади⁷.

Шу ўринда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” қонун даражасида қабул қилинган ўта нуфузли ва муҳим ҳужжат эканлигини ҳамда унинг ҳуқуқий маданиятни шакллантириш соҳасида доимий фаолият қилувчи кенг қамровли тизим яратишга қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжат аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишни, фуқаро, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳамжихатликни таъминлашни, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштиришни, давлат аппарати ходимлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишни, ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни, ҳуқуқий маданият соҳасида илмий изланишлар олиб боришни кўзда тутди. Дастур барчани ва ҳар бир инсонни юридик тараққиётнинг истиқболи ҳақидаги билимлар билан қуролланишга давлат этади.

Мазкур миллий дастур мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари ва олий ўқув

юртларида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия борасида юридик билимларни тест синови ва давлат имтиҳонлари тарзида жорий этиш, педагогларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, илмий ноширликни, илмий-оммабоп юридик адабиётларни, маълумотномаларни кўпайтиришни тақозо этади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия кампания тарзида эмас, балки маълум мақсадни кўзлаб, режали ва самарали тарзда, турли ижтимоий гуруҳларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарбия масалалари бўйича ўтказилаётган илмий изланишлар етарли, деб бўлмайди. Ҳуқуқий давлат, қонун ва Конституция талаби нуқтаи назаридан мавжуд юридик ҳужжатлар ҳаммаси ҳам ҳали талабга тўла жавоб бермайди. Шу боис, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини яхшилаш, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш, ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш, ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириш лозим.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда ҳуқуқий ахборот тизимининг пухта ишлаб чиқилган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг тузилиши ва унинг шаклланиши бевосита ҳуқуқий ахборот билан боғлиқдир. Ҳуқуқий ахборотнинг индивидлар, шахслар гуруҳи, давлат органлари ва бошқа ҳуқуқ субъектлари орасида айланиши ҳуқуқий онг шаклланишининг зарурий шарти ҳисобланади. Бинобарин, ижтимоий субъектлар айнан ахборот-ҳуқуқий жараёнлар орқали фаолиятларига тегишли бўлган ҳуқуқий маълумотларга эга бўлишлари ва уларга ўз муносабатларини билдиришлари мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий ахборот етказишнинг турли механизмлари шакллантирилиб, ҳаётга жорий этиб келинмоқда. Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини босқичма-босқич туркумлашни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 5 августда “Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди⁸. Мазкур Қарор билан тасдиқланган “Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисида Низом”га асосан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий ва норасмий нашрларда, шу жумладан, электрон маълумотлар базаси орқали эълон қилиш тартиби белгиланди.

Ушбу қарорнинг мантиқий давоми сифатида ва бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 октябрда “Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор юридик журналларнинг асосий вазифаси сифатида фуқароларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг ҳуқуқий онгини, уларнинг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шунингдек, кишиларнинг онгида демократик қадриятларни шакллантиришга хизмат қиладиган материалларни чоп этиш, деб белгилади⁹.

Бинобарин, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданиятини оширишда ҳамда фуқаролар учун хилма-хил ҳуқуқий ахборотлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратишда ҳуқуқий даврий матбуот алоҳида ўрин тутди. 2007 йил 1 апрел ҳолатига кўра, тегишли давлат органлари муассислигида ҳуқуқий йўналишдаги 33 та газета (26 та ўзбек тилида, 2 та рус тилида, 4 номли газета ўзбек ва рус тилларида, 1 та ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида) руйхатга олинган бўлиб, уларнинг умумий тиражи 248 минг нусхани ташкил этади.

Ҳуқуқий мавзуга радио ва телевидение ҳам алоҳида эътибор қарата бошлади. Телевидениенинг қонунчилик ва ҳуқуқни тарғиб қилувчи, юридик саволларга жавоблар берувчи кўрсатувлари аҳоли орасида борган сари кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда. Аммо бу ишларни нафақат мунтазам давом эттириш, балки кўрсатувларнинг ранг-баранглигига, барчани ўзига жалб этувчи юксак бадиий-маънавий савияга эга бўлишига эришиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиздаги демократиянинг даражасини, инсон ҳуқуқларининг аҳолини, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни акс эттирувчи кўзгудир¹⁰. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш, ҳуқуқий билим савиясини янада юксалтириш, фуқаролик жамиятини барпо қилишга доир жараёнларда иштирок этиш фаоллигини кучайтиришга янги туртки бўлди. Фармойишнинг бош мақсади — Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини халқ, айниқса, ёш авлоднинг онги, тафаккури ва маданиятига сингдириш, шу тариқа жамиятда конституцияга, қонунга нисбатан юксак ҳурмат муҳитини яратиш, ижтимоий муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш савиясини юқори даражага кўтариш, энг муҳими, ҳар бир фуқаро ўзининг конституцияда мустақамланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиш орқали ўзлигини мукаммал англаб етишига эришишдир.

Конституция жамият ҳуқуқий тизимининг марказий ўзагидир. Аёнки, ҳуқуқий тизим ривожланишининг стратегик йўналишини белгиловчи ҳуқуқий сиёсатнинг негизида Конституция туради. У ҳуқуқий тизим, унинг барча элементлари ривож топишининг демократик жиҳатларини, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилганлигини белгилайди. Бу хусусият фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданияти вужудга келиши ва такомиллашиши учун ниҳоятда муҳимдир.

Фуқаролик жамияти демократик асослари шаклланишининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларини билишнинггина эмас, балки фуқаролар ҳамда давлат идоралари ўз амалий фаолиятида уларнинг кўрсатмаларига амал қилишни ҳам назарда тутувчи юксак конституциявий маданиятни шакллантириш вазифаси ниҳоятда долзарб бўлиб турибди. Конституциявий қоидалардан хабардорлик даражасини таҳлил қилиш аҳоли Конституция нормаларини яхши билмаслигидан далолат бермоқда. Бу давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий тарбия соҳасидаги фаолияти етарлича самарали эмаслигини кўрсатади.

Ўзбекистонда конституционализмнинг шаклланиши аҳоли ва давлат аппарати ходимларининг, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг юксак сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эга бўлишини талаб қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳали кўп фуқаролар учун олий ижтимоий қадриятга айланганича йўқ, шу сабабли, юксак конституциявий маданиятнинг шаклланишини таъминлаш муҳимдир. Бу ҳал этилиши кўп вақтни талаб қиладиган анча мураккаб вазифа. Фуқаролик жамиятида Конституция ёрдамида барча муаммоларни ҳал этиш мумкин деган ишончда намён бўлган конституциявий эйфория, конституциявий инфантилизм, конституциявий нигилизм, конституциявий қадриятларга ҳурматсизлик бартараф этилмоғи зарур.

Ижтимоий муносабатлар демократлаштирилиши туфайли конституциявий нормаларни яхши билиш ва ҳуқуқий билимларни амалда қўллай олиш юристлар учун айниқса муҳимдир. Ҳуқуқ принциплари, аксиомалари ва энг кўп қўлланиладиган (зарурий) ҳуқуқ нормаларини билиши кифоя қиладиган аҳолидан фарқли равишда юристлар ўзлари фаолият юритаётган ҳуқуқ соҳаларининг асосий принциплари ва нормаларини жуда яхши ўзлаштиришлари лозим.

Конституциявий нормалар, ўз навбатида, фуқаролар ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва ривожланишига, конституциявий-ҳуқуқий принциплар, ҳуқуқий муносабатлар, конституциявий жавобгарлик борасида тўғри тасаввурлар шаклланишига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқни рўёбга чиқариш жараёнида, юридик ишларни ҳал этишда

тартибга солиш вазифасини ўтайди. Кейинги йилларда судлар ўз фаолиятида тобора кўпроқ конституциявий нормаларни асос қилиб кўрсатаётгани муҳимдир. Бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ижтимоий кадрият сифатида идрок этила бошланганидан далолат беради¹¹. Ҳуқуқий онгнинг тартибга солувчилик роли ҳуқуқий нормалар, шу жумладан, конституциявий нормаларнинг бажарилиши онгли равишда амалга оширилишида намоён бўлади. Жамият, ижтимоий гуруҳлар, шахс ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакатда конституциявий қонунийлик даражаси шунчалик юқори ва ҳуқуқий тартибот шунчалик мустаҳкам бўлади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини жадаллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июнда қабул қилган “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори¹² муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеа бўлди. Ушбу қарорда таъкидланишича, фуқаролик жамиятининг хилма-хил институтларини ташкил этиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, қарорга биноан “Нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси” ташкил этилди¹³. Унинг вазифалари қаторида фуқаролик жамияти институтларининг аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фаол иштирокига рағбат беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Фуқаролик жамияти барпо этиш ғояси туфай-

ли мустақиллик йиллари давомида ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Уларни шакллантириш, тизимли ривожлантириш жамият манфаатига бевосита дахлдор масалага айланди. Фуқаролик жамияти плюралистик, серқирра, ижтимоий таркибига кўра мураккаб жамиятдир. Фуқаролик жамиятининг, айниқса шаклланаётган фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданиятини қарор топтириш осон кечмаслиги аён. У бир чизикли тарзда, бир йўналишда амалга ошадиган оддий жараён эмас. Жамият турли-туман қатламлар, ижтимоий гуруҳлардан ташкил топганлиги боис, жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий маданияти ҳам кўп қатламли, плюралистик таснифга эга бўлиши табиий.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, биз интиляётган фуқаролик жамияти юксак маънавий замига, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигига, чинакам ҳуқуқий маданиятга таянади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий алоқалар, шу жумладан, ҳуқуқий муносабатлар ниҳоятда адолатли бўлмоғи, ҳалоллик, поклик, инсоф, иймон ва виждон асосига қурилмоғи лозим. Бу жамиятда умуминсоний кадриятлар, инсон ҳуқуқлари эъзозланади, улар мўтабар ва муқаддас саналади. Инсоннинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ҳурмат топади. Адолат ва инсонпарварлик, савоб излаш ва саховатпешалик каби олий кадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти демократик ва адолатли қонунлар тизими мавжудлигига, ҳуқуқ ва қонун устуворлигига, барчанинг ҳуқуқий тенглигига, ижтимоий адолат тантанасига ва инсон шахси улғуворлигига таянади.



¹ Асқаров Х. Ҳуқуқий маърифат жарчилари. // Инсон ва қонун. 1997 й. 17 июнь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПФ-3994 сонли Фармони // Халқ сўзи. 2008 й. 2 май.

³ Ўша асар: –26-бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997. –№9. –225-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997. –№11-12. –259-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами. 1994. –№6. –204-205-бет.

⁷ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. –Т., 1998. –55-бет.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 5 августда “Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 2000. –№8. –Б.27-34.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. –№41-42(177-178). 315-модда.

¹⁰ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. –Т., 1998. –58-60-бет.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. –Т., 2001; Одилқориев Х.Беназир ҳуқуқий кадрият. //Халқ сўзи. 2002 й. 29 ноябрь.

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2005. –№6.

¹³ Ўша жойда.

**Даврон МИРАЗОВ,
ИИВ Академияси Жиноят процесси кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар номзоди, доцент**

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУД КОНТРОЛИ ИНСТИТУТИ ВА УНИНГ МАҚСАДЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган эди¹. Ушбу норматив ҳужжатда белгиланган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунида ўзининг ечимини топди. Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексига, «Судлар тўғрисидаги» ва «Прокуратура тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонун қабул қилинганлиги ўтган давр ичида амалга оширилган баҳс ва мунозараларга чек қўйиб, қонуннинг туб моҳиятини тушуниш ва тўғри қўллаш каби вазифаларни кун тартибидеги долзарб вазифага айлантирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўлига бағишланган концептуал нутқида «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, уни амалга оширишнинг аниқ процессуал механизмини яратиш жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланади»², деб таъкидлаган эди.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессида янги институтни — суд контроли институтининг жорий қилинганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди. Суд контроли институти судларнинг одил судловни амалга ошириш функцияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у энди жиноят иши бўйича шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг дастлабки тергов босқичида ҳам таъминланишига хизмат қилади.

Фикримизча, жиноят процесининг судга қадар иш юртиш босқичларида суд ваколатларининг кенгайтирилиши зарурияти инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари билан ҳам тасдиқланади. Хусусан, 1966 йилда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт»³ нинг 9-моддаси 3-қисмида «Жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга

ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш ҳуқуқига эга»лиги қайд этилган.

Масала кўп қиррали ва зиддиятли эканлиги барчага маълум. Биринчидан, ушбу институт жиноят процессининг судга қадар босқичларида илк маротаба киритилганлиги боис, уни амалга оширишнинг механизми ҳали амалда синалмаган ва у деталлаштиришни талаб қилади; иккинчидан у ҳозирги кунда амалда бўлган прокурорлик назорати институти билан қандай нисбатда бўлиши мавҳум; учинчидан, тан олиш керакки, қонунда бундай фавқулодда эҳтиёт чорасини қўллашда юзага келадиган барча муаммоли ҳолатлар ўзининг мантиқий ечимини топмаган; тўртинчидан, бугунги кунда мутасадди идоралар томонидан тайёрланаётган ва ушбу қонуннинг тўғри қўлланилиши амалиётини тартибга солишга йўналтирилган раҳбарий қоидалар келтирилган зиддиятларнинг ечимини тўла кўрсатиш ўрнига баъзан уларни чигаллаштирувчи ҳолатлардан холи эмас.

Бу ерда «контрол» ва «назорат» сўзларнинг луғавий ва мазмуний моҳиятини бир-биридан ажратиш ва терминларни қўллашда ягона ёндашувни яратиш керак деб ўйлаймиз. Чунки назорат деганда — бирор ишнинг устидан доимо кузатиш, текшириш тушунилади⁴. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи барча прокурорлар амалга оширади» деб белгиланганлигини кўрсатиш мумкин⁵.

Контрол эса — текширишга оид фаолият, текшириш мақсадида кузатиш сифатида тушунилади⁶. Юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилган ҳолда баъзи муаллифлар⁷ томонидан «суд назорати» термини нотўғри қўлланилаётганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Чунки жиноят ишлари бўйича судлар тергов органларининг фаолиятини, яъни дастлабки тергов жараёнини, унда амалга оширилаётган ҳаракатларни, қабул қилинаётган қарорларни назорат қилмайди, балки айнан шу ҳаракат ва қарорларнинг қонуний ва асосланган бўлишини таъминлаш мақсадида текшириш функциясини амалга оширадilar.

Суд контроли дастлабки тергов идораларининг фаолиятининг бир жиҳатини қамраб олиб, судга қадар иш юртиш босқичида гумон қилинувчининг ушлаб турилишининг қонунийлигини текшириш, лозим ҳолларда унинг муддатини узайтириш, ушланган гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш, бу эҳтиёт чорасининг муддатини узайтириш ҳамда ушбу

масалада суд мажлисини ўтказиш каби масалаларни қамраб олади.

Суд контроли институти бир қатор чет эл, шу жумладан МДХ мамлакатларининг жиноят процессида одил судлов функцияси билан тенг равишда кенг қамровли қўлланилади. Россия Федерацияси, Латвия, Литва, Эстония, Молдова давлатларида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат суд томонидан қўлланилмоқда. Украина, Беларус, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон ва Грузия давлатларида эса прокурорнинг бу ҳақдаги қарори устидан судга шикоят билан мурожат қилиш тартиби белгиланган. Бунда судлар тергов ва суриштирув органларининг инсоннинг асосий ҳуқуқларини чеклашга йўналтирилган ҳаракатлари ҳамда қарорларини амалга оширишга рухсат беради, уларнинг қонунийлигини келиб тушган шикоят ва протестларни текшириш асосида баҳолайди.

Мамлакатимизда судларнинг дастлабки тергов идораларининг фаолияти устидан контролни амалга ошириш функцияси ўз ичига қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини кўриб чиқиш, ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асосланганлигига баҳо бериш, тергов ва суриштирув органларининг қарорлари, ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризаларни ҳал этиш каби ларни қамраб олади. Албатта, бунда суд жиноят иши бўйича дастлабки терговда иштирок этиши мумкин эмаслиги ва исботлаш жараёнидаги процессуал муносабатларга киришишга ҳақли эмаслигини алоҳида таъкидлаш керак.

Суд контролининг мақсади ҳақида фикр юритган И.Л.Трунов «...у жиноий таъқиб идораларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга йўналтирилган қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги ҳамда асосланганлигини таъминлашдан иборат⁸», деб фикр юритади. Дастлабки тергов босқичида суд контроли мақсади бўлиб, бузилган ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатни тиклаш ҳамда йўл қўйилган қонун бузилиши оқибатларининг олдини олиш, бартараф этишдан иборат, деб таъкидлайди Н.А.Колоколов⁹.

Юқорида суд контроли мақсади ҳақида келтирилган фикрларни рад этмаган ҳолда уларни аниқлаштириб олиш зарур деб ўйлаймиз. Демак, жиноят процесининг судгача иш юритув босқичлари устидан суд контролининг мақсадларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш, унинг муддатини узайтириш;

2) ушлаб туриш процессуал мажбурият чорасининг қонуний ва асосланган равишда қўлланилганлигига баҳо бериш, унинг муддатини узайтириш;

3) суриштирув ва дастлабки тергов идораларининг қарорлари ҳамда ҳаракатларининг қонунийлиги тўғрисидаги шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш.

Суд контроли процессуал шакл доирасида амалга оширилиб, дастлабки тергов идоралари томонидан қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ёки улар томонидан бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг аввалги ҳолатини тиклаш учун амалга оширилади. Суд контроли институти жиноят процессида ҳуқуқни тиклаш функциясини амалда ишлашини таъминлашга хизмат қилади. Чунки суд, биринчидан, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлигини, асосланганлигини текшириш имкониятига эга бўлган бўлса, иккинчидан, у суриштирув ва дастлабки тергов органининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини (масалан, ушлаб туриш бўйича) бекор қила олиши мумкинлигида намоён бўлади.

Суд контролини амалга ошириш орқали судлар жиноят процесининг иштирокчисига айланган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашининг кафолати бўлиб ҳам хизмат қилади.

Айнан шундан келиб чиқиб, суд контроли жиноят ишларини судга қадар юритиш жараёнида амалга ошириладиган прокурорлик ва идоровий-процессуал назоратлардан бир қатор асосларга кўра устунроқ дейиш мумкин.

Ушбу асосларга қуйидагиларни киритиш лозим:

— суд жиноят процесининг мустақил иштирокчиси сифатида дастлабки терговнинг сифати, яъни суриштирув, дастлабки тергов органлари ва прокурорлар фаолиятининг натижаларига боғланмаган;

— жиноятларнинг очилиши кўрсаткичлари учун курашмайди; дастлабки терговда инсоннинг асосий ҳуқуқларини чеклашга фақат суд рухсат беради (масалан, қамоққа олишга) ва бундай масалалар суд томонидан ҳал этилади;

— уларни ҳал этиш аниқ процессуал тартиб асосида тарафларнинг тортишувига таяниб амалга оширилади;

— судда масалани кўришда манфаатдор томонларнинг иштирок этиши, албатта, инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларига қатъиян чек қўйилишига хизмат қилади. Бу эса дастлабки терговда инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг яна бир кафолати пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари асосида судларга дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга рухсат бериш ваколатининг берилиши жиноят процессида суд контроли институти пайдо бўлганлигини ҳамда суриштирув, дастлабки тергов ва прокуратура органларининг инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларини чеклашга қаратилган ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги ҳамда асосланганлигининг таъминлишига хизмат қилади деб ўйлаймиз.

¹ «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи, 2005 й. 9 август.

² Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 й. 31 август.

³ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам. —Т., 2004. —40-бет.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. —Т., 1981. —493-бет.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. —Т., 2003. —16-бет.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. —Т., 1981. —397-бет.

⁷ Масалан қаранг: Раҳмонова С. Суд назорати: у жиноят процессида қандай ўрин тутаяди? // Ҳаёт ва қонун. 2005. №4. —38-бет.

⁸ Трунов И.Л. Защита прав личности в уголовном процессе. —М., 2005. —С.14-15.

⁹ Горбань В.В. Судебный контроль в стадии предварительного расследования. —М., 2004. —С.39.

Беҳзод РАШИДОВ,
ИИБ Академияси Жиноят процесси
кафедраси ўқитувчиси

ГАРОВ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ ҚўЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Гаровни қўллаш самарадорлигини ошириш бевосита уни қўллаш амалиётида вужудга келаётган муаммоларни ўрганиш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали муайян ечимларнинг ишлаб чиқилишига ҳамда гаровни қўлловчи суд-тергов идоралари ходимларининг масъулиятини оширишга бевосита боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, “давлат хизматчиларини танлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш масаласида, аввало, инсоф ва виждон, иймон ва эътиқод, диёнат ва меҳр-оқибат деган тушунчаларни ўзига бегона деб билмайдиган одамларга алоҳида эътибор қаратиш, ходимларнинг ишга, ўз вазифасига нисбатан масъулиятини ошириш, нопок йўлда юрганларини эса жавобгарликка тортиш — бу ҳам, албатта, муҳим масала¹”.

Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш амалиётига эътибор берадиган бўлсак, бир қанча муаммоларни учратиш мумкин. Мавжуд муаммолар гаров эҳтиёт чорасини қўллашнинг ўзига хослиги билан боғлиқдир. Гаровни қўллашда вужудга келаётган ва уни қўллаш билан боғлиқ муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Гаровнинг фақат айбланувчига нисбатан қўлланилиши.² 2. Гаров қўлланилишига ташаббус кўрсатиш ва бунга айбланувчи ёки гаров қўювчининг розилигини олиш; 3. Гаров миқдорини ва предметини аниқлаш³; 4. Гаров предметини қабул қилиш тартиби; 5. Гаров предмети мол-мулк бўлганда уни сақлаш; 6. Гаров предметининг қиймати ноаниқ бўлганда унинг баҳосини аниқлаш; 7. Гаров предмети кўчмас мулк бўлганда уни қабул қилиш ва давлат фойдасига ўтказиш; 8. Суд-тергов органлари ходимларининг масъулиятсизлиги ва тажрибасизлиги⁴.

Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш учун албатта айбланувчи ёки ҳимоя тарафининг ташаббуси ёхуд розилиги зарур бўлади. Терговчининг гаровга пул топшириши ҳақидаги талаби эса айбланувчи ёки унинг яқинлари томонидан бошқача (пора бериш) мазмунда тушунилишига олиб келади. Шу сабаб ҳам жиноят ишларини юритишда гаров эҳтиёт чорасини қўллашда гаров қўювчи шахсларнинг бунга розилигини олиш ўзига хос қийинчиликларни юзага келтиради.

Гаров сифатида нима тақдим этилиши ва унинг миқдорини белгилаш жуда муҳим масала ҳисобланади. Жиноят ишларини юритишда ушбу масалани ҳал этиш учун айбланувчининг моддий аҳволи энг асосий аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун терговчи унинг мулкий аҳволи, яъни мавжуд мулки, даромади, харажатларини ўрганиши лозим ёки гаров қўювчи бошқа шахсни жалб қилиш масаласини ечишига тўғри келади. Бу эса терговчидан қўшимча тажриба, вақт ва меҳнат талаб қилади. Бундай ҳолларда терговчининг ташаббуси билан гаров қўллаш масаласи таклиф қилинган бўлса, натижада гаров қўлланилмаслигига олиб келади.

Агар гаров сифатида мол-мулк тақдим этилган бўлса, унинг қийматини (баҳосини) аниқлаш масаласи ҳам муайян даражада муаммоларни юзага келтиради. Чунки бу ерда тегишли мутахассиснинг иштироки ёки билими зарур бўлади. Ушбу масала ҳам терговчи учун ҳал этилиши зарур ва бу ҳам маълум вақт ва қўшимча меҳнат қилишни талаб этади.

Жиноят иши бўйича гаров қўлланилганда гаров тариқасида мол-мулк тақдим этилган бўлса уни сақлаш масаласи ҳам жиддий муаммога айланиб улгурган. Бугунги кунда гаров тариқасида тақдим этилган телевизор, холодильник, қимматбаҳо тақинчоқлар ва бошқа буюмлар терговчининг ўзида, хизмат хонасида сақланади ёки гаров қўювчининг ихтиёрида ҳам қолдирилади. Бу мантиқан нотўғри, лекин гаров мулкни сақлаш учун алоҳида жойнинг йўқлиги терговчиларни шундай ҳаракат қилишга мажбур қилади.

Гаров тариқасида кўчмас мулк тақдим қилинганда уни қабул қилиш, шунингдек гаров шартлари бузилганда кўчмас мулкни давлат фойдасига ўтказиш масаласини ҳал этиш ҳам ўзига яраша муаммо ҳисобланади. Чунки кўчмас мулкни давлат фойдасига ёки эгалигига ўтказиш бир нечта ҳужжатлар бўлишини талаб қилади.

Юқорида таърифланган муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитлари ҳусусида тўхталадиган бўлсак, аввало гаровни қўллашдаги муаммолар объектив равишда мавжуд бўлади ва уни ҳал этишда терговчининг тажрибаси ва юксак билимга эга бўлиши талаб этилади.

Шунинг учун бу муаммолар ҳал этилмай қолиши ишни юритаётган терговчининг тажрибасизлиги ёки етарлича билим ва кўникамага эга бўлмаслиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, айбланувчи ёки гаров қўювчининг мулкӣ аҳволи ҳам гаров предмети ва миқдорини аниқлаш муаммоси вужудга келиш сабабларидан бири ҳисобланади.

Кўриб чиқилаётган гаров эҳтиёт чорасини қўллашда учрайдиган муаммолар ва уларнинг мавжуд бўлиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш учун бизнингча гаров эҳтиёт чорасини гумон қилинувчига ҳам қўллаш мумкин бўлишини қонуний жиҳатдан ҳал этиш лозим. Чунки жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс унга айб эълон қилингунига қадар терговдан яшириниши мумкин ёки жиноят содир этишда давом этиши, жиноятни яширишга, далилларни йўқ қилишга ҳаракат қилиши табиий. ЖПКнинг 243-моддаси 1-қисмига мувофиқ қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Қамоққа олиш қўлланилмайдиган ҳолларда эса гумон қилинувчилар айб эълон қилингунга қадар очикда қоладилар. Қамоққа олиш каби жиддий тарзда ҳуқуқ ва эркинликларни чекловчи чора гумон қилинувчига қўлланилиши мумкин бўлиб, мулкӣ кафиллик билан боғлиқ гаров эҳтиёт чорасининг гумон қилинувчига қўлланилиши мумкин эмаслиги умуман мантиқсиздир. Гаровни қўллашга ташаббус кўрсатиш ва бунга айбланувчи ёки гаров қўювчининг розилигини олиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун бизнингча қўшимча тарзда шахсни ушлаш ёки гумон қилинувчи тарзида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорни эълон қилиш жараёнида унинг гаровга мулк топшириш эвазига озодликка чиқиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтириш лозим ва бундай қонунчиликка киритиш лозим. Гаров миқдори ва предмети аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мураккаб бўлган баъзи масалалар билан боғлиқ, яъни айбланувчи ёки гаров қўювчининг мулкӣ аҳволи объектив ҳолатларда гаровнинг энг кам миқдорини ҳам тақдим этиш учун имкон бўлмаса, ушбу ҳолатда гаров эҳтиёт чорасини қўллаб бўлмайди. Бизнингча, бу каби муаммоларни ечиш учун ЖПК 249-моддасига қўшимча тарзда *“Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан гаровнинг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлмаслиги лозим”* деган янги қоида киритилиши лозим. Бошқа ҳолатлар билан боғлиқ муаммолар субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, муайян терговчининг маҳоратини юксалтириш, тегишли малака ва кўникмаларни шакллантириш ва илғор тажрибаларни ўзлаштиришга эришиш орқали ҳал этилиши мумкин. Шунинг учун, аввало, терговчи ходимларни жамлаш, касбий тай-

ёргарлик сифатини янада юксалтириш чоралари кўрилиши лозим. Гаров предмети қабул қилиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун гаров қабул қилишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш лозим. Бизнингча гаров тариқасида пул ёки бошқа қимматбаҳо қоғозлар, молиявий воситалар тақдим этилганда уни қабул қилиш тартиби алоҳида, кўчар ва кўчмас мол-мулкни гаров тариқасида қабул қилиш тартиби алоҳида белгиланиши лозим. Гаров тариқасида тақдим этилган мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун шундай мулклар сақланадиган махсус жойлар ҳар бир дастлабки тергов ёки суд органи биносидан ажратилиши ёхуд қурилиши лозим. Гаров предмети баҳосини аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун қонунда қуйидагича тартиб белгиланиши мақсадга мувофиқ: *“Гаров предмети баҳоси ноаниқ бўлганда уни баҳолаш ҳақида терговчи қарор чиқаради ва ушбу қарор тегишли мутахассис томонидан гаров қўювчи ҳисобидан ижро этилади”*.

Гаров тариқасида кўчмас мулк қўйилганида вужудга келадиган муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагича тартиб жорий этилиши лозим, яъни ЖПКда *кўчмас мулкнинг ҳужжатлари билан унга банд солинганлиги ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилганлиги (чекланганлиги) ҳақидаги ҳужжатлар қўшиб топширилиши* тўғрисида белгилаб қўйилиши лозим. Агарда гаров сифатида кўчмас мулкни давлат фойдасига ўтказиш зарурати туғилганда, бу ҳақда суд алоҳида ажрим чиқариши қонунда белгилаб қўйилиши лозим.

Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги чоралар кўрилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1. Амалдаги Жиноят-процессуал кодексига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш:

— гаров эҳтиёт чорасини гумон қилинувчига ҳам қўллаш мумкин бўлиши;

— шахс жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланганда ёки унга гумон қилинувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор эълон қилинганда (таништирилганда) гаров эҳтиёт чораси қўлланилиши орқали очикка чиқарилиши ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида тушунтириш шартлиги;

— гаровнинг энг кам миқдори алоҳида ҳолатларда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларга доир ишлар бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ҳам оз бўлиши мумкинлиги ҳақида;

— гаров тариқасида тақдим этилган пул ёки бошқа қимматбаҳо қоғозларни қабул қилишнинг алоҳида тартибига оид, шунингдек бошқа мол-мулкларни ҳам;

— гаров предмети баҳолашга оид терговчининг ҳаракатлари (ваколатлари) ҳақида;

— гаров тариқасида тақдим этилган кўчмас мулкни давлат фойдасига ўтказиш ҳақида суд алоҳида ажрим чиқариши лозимлиги ҳақида;

2. Терговчи кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш сифатини ошириш, бу ҳақда БМТнинг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган чораларга оид минимал стандарт қоидалари⁵ (Токио қоидалари)да ҳам белгиланган (15-16-бандлари);

3. Гаров эҳтиёт чораси қўлланилишига оид илгор тажрибаларни тарғиб қилиш;

4. Эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича терговчи ва суриштирувчи ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва самарали ташкил этиш;

5. Гаров эҳтиёт чораси танланганда терговчиларни рағбатлантириш ишларини кучайтириш;

6. Гаров предмети (мол-мулк) сақлаш жойлари ажратилишини таъминлаш;

7. Гаров эҳтиёт чораси ҳуқуқий тартибга солиниши ва қўлланилишини доимий равишда баҳо-

лаб бориш, ушбу соҳада мунтазам илмий изланишлар ва тадқиқотлар амалга оширилишини таъминлаш. Бу ҳақда БМТнинг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган чораларга оид минимал стандарт қоидалари⁶ (Токио қоидалари)да ҳам белгиланган (20-банди).

Ҳар қандай жамият ҳеч қачон бир жойда турмайди ва ҳамisha ривожланади. Шунга мутаносиб равишда ижтимоий жараёнларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар ҳам такомиллаштирилиб, тизимлар ўзгартирилиб, замон талабларига мослаштириб борилади. Акс ҳолда мавжуд механизм инқирозга юз тутиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун ҳам муайян изланишлар, тадқиқотлар амалга оширилади ва натижада янгиликлар ихтиро қилинади. Шунингдек жиноят-процессуал фаолият соҳасидаги эҳтиёт чоралари, хусусан, гаровни қўллаш амалиётида учраётган муаммоларни таҳлил қилиш, уларнинг ечимларини топиб ҳал этиш долзарб масала ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т., 2002. –155-б.

² Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т., 2006 й. ТДЮИ.;—138-бет.

³ Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т., 2006 й. ТДЮИ.; —139-бет.

⁴ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т., 2002. –26-34-б.,

⁵ Минимальные стандартные правила организации объединенных наций в отношении мер, не связанных с тюремным заключением (Токийские правила) <http://www.legislationline.org/ru/>

⁶ Минимальные стандартные правила организации объединенных наций в отношении мер, не связанных с тюремным заключением (Токийские правила) <http://www.legislationline.org/ru/>

Азамат МАМАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари
катта ўқитувчиси

ОДАМ САВДОСИ — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ

XXI аср жамият ҳаётининг байналмилаллашуви кучайиши билан ажралиб туради. Давлат чегараларининг мавжудлиги ва ҳар хиллигига қарамай, халқаро муносабатларда мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ривожланиб бормоқда. Халқаро муносабатлар нафақат давлатлар, балки ҳар бир инсон ҳаётига катта таъсир кўрсатмоқда. Айнан ушбу асрда инсон ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш борасидаги ҳаракатлар ҳам халқаро микёсда, ҳам алоҳида давлатлар миқёсида энг долзарб масалага айланди. Уни ҳал қилиш йўлида қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинди.

Халқаро микёсда ҳал қилиниши лозим деб топилган масалалардан бири одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, уларнинг олдини олиш ва ушбу жиноятларга қарши курашишдир. Инсон ҳуқуқла-

рини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки ҳужжат 1948 йилда қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Шундан сўнг, 1949 йил 2 декабрда БМТ томонидан «Одамлар савдоси ва фоҳиша-бозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинди. Бугунги кунга келиб одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлиб, дунё бўйича шунчалик кенг тарқалганки, БМТ ва миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлиliga кўра ундан жабр кўрганлар сони миллионларни ташкил қилади.

Одамлардан шахвоний мақсадларда фойдаланиш, мажбурий меҳнат, болаларни эксплуатация

қилиш, “уй қуллиги”, сохта оналикдан фойдаланиш, тиланчиликка мажбурлаш, одамлардан уларнинг иродаларига қарши турли қуролли кучларда, можароларда фойдаланиш, одамлар органларидан фойдаланиш — буларнинг ҳаммаси бир жиноятнинг турли шакллари дир. Ҳар йили минглаб эркак, аёл ва болалар турли давлатлар чегараларидан ўтиб, бевосита ёки билвосита қилинадиган зўрлик ёхуд унинг таҳдиди остида савдо ва эксплуатациянинг объекти бўлиб қолмоқда. Одамлар савдоси муаммоси ривожланаётган давлатлар билан бир қаторда ривожланган мамлакатларда ҳам ечимини топмай келмоқда. Бу ҳол аслида инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши ифодасидир.

Афсусланарлиси шундаки, ҳозир одам савдоси ноқонуний даромад келтирувчи асосий бизнес турига айланиб бўлган. Экспертларнинг фикрига кўра, мазкур жиноятнинг борган сари авж олишига туртки бўлаётган асосий омил фуқаролиги ва миллатидан қатъи назар доимий фаолият кўрсатувчи жинсий уюшмалар тизимининг мавжудлиги дир.

Одам савдоси феноменининг юзага келиши ва тобора авж олишига асос қилиб қуйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин. Биринчидан, ўзида одам савдосига қарши курашнинг комплекс тадбирларини аниқ ифодаловчи, амалиётга татбиқ этиш имконияти бўлган халқаро қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилмаганлиги; иккинчидан, фуқароларни чет элларда иш билан таъминлаш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг фаолияти устидан тегишли назоратнинг етарли эмаслиги; учинчидан, фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг пастлиги, одам савдоси масалалари ва унга қарши кураш усуллари ҳақида маълумотга эга эмасликларидир.

Аслида мазкур муаммони ҳал этишнинг ягона йўли миллий қонунчиликда ҳуқуқий асосларни яратишдан иборат.

Маълумки, мамлакатимизда мазкур тизим мавжуд. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда берилган тушунчага кўра, *одам савдоси куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шакллари билан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишни ўз ичига олади.*

Одамлардан ноқонуний фойдаланиш, уларнинг

миграцияси ва одам савдосига қаршилик кўрсатиш давлатлар органларининг ҳамкорликдаги ҳаракатини талаб қилади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси 2003 йилда БМТнинг «Одам савдоси ва фоҳишабозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилди, 2008 йилда эса одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва бу қилмиш учун жазолашни назарда тутувчи БМТнинг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини тўлдирувчи Протоколни ратификация қилди.

Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, истиқлолгача бу борада деярли тегишли норматив-ҳуқуқий база мавжуд эмас эди.

Хусусан, Жиноят кодексининг 135-моддаси (одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жинояти) шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш ва одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилган.

Шу билан бирга, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган қилмиш эканлигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси бундай салбий кўринишларга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда.

Натижада республикаимизда одам савдосига қарши кураш бўйича амалга оширилган ишлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Хусусан, 2008 йилнинг 4 июнида Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти эълон қилган одам савдоси тўғрисидаги маърузада Ўзбекистон учинчи тоифали рўйхатдан иккинчи тоифали рўйхатга киритилганлиги давлатимизда одам савдосини бартараф этиш борасида амалга оширилган қатор ишларга берилган ижобий баҳо десак, муболаға бўлмас.

2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш билан бирга, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Республикаимиз Президенти томонидан 2008 йилнинг 8 июлида қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор мазкур масалага янада жиддий ёндошишни талаб этади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқлари мамлакатимизда қатъий ҳимоя остидадир. Унинг бузилиши қонун олдида жавобгарликка олиб келади.



Хуршид КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари
катта ўқитувчиси

ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ярашув институти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг адолат ва инсонпарварлик тамойилларига ҳамда халқимизнинг миллий қадриятларига тўла мос келади. Ўзининг ҳуқуқий мазмунига кўра, жиноят ҳуқуқи тизимида ярашув институти нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар жиноий жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ жиноий-ҳуқуқий муносабатлар турига киради. Шу боисдан, ярашув институти нормалари қўлланиладиган муносабатларнинг асосий белгиси шундаки, улар энг аввало, жиноий жавобгарликдан озод қилишни кўзда тутаяди.

2001 йил 29 августда Жиноят кодексига ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги 66¹-модда киритилиб, биринчи марта Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахс агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Яъни ярашув институтини қўллаш учун шахс:

- 1) Жиноят кодексининг 66¹-моддасида кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этган бўлиши;
- 2) айбини тан олиши;
- 3) етказилган зарарни қоплаши;
- 4) жабрланувчи билан ярашган бўлиши керак.

Жиноят кодекси 66¹-моддасида кўрсатилган жиноятлардан бирининг содир этилиши ярашганликни ифодаловчи бошқа элементлар бўлганда, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиши мумкин. Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган жиноятлар рўйхати аниқ тарзда 66¹-моддада белгиланган бўлиб, ундаги қилмишлар таркиби босқичма-босқич равишда ислоҳ этилмоқда.

2001 йил 29 августдаги қонунга кўра, Жиноят кодексининг 66¹-моддасида 26 та модда бўйича ярашув институти қўлланиладиган бўлди. Жумладан, Жиноят кодексининг 105-моддасининг биринчи қисми (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддаси (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддаси (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддаси (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб,

баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддаси (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисми (қийнаш), 111-моддаси (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисми (хавф остида қолдириш), 122-моддаси (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддаси (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 136-моддаси (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари (ҳақорат қилиш), 149-моддаси (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисми (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисми (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисми (ўғрилиқ), 170-моддасининг биринчи қисми ҳамда иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандлари (алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш), 172-моддаси (мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисми (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 192-моддаси (рақобатчини обрўсизлантириш), 260-моддасининг биринчи қисми (темирийўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисми (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисми (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 298-моддасининг биринчи қисми (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш)да кўрсатилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланган эди.

2004 йил 27 августда қабул қилинган қонунга асосан Жиноят кодексининг 66¹-моддасига 4 модда қўшилди ҳамда жами 30 та модда учун ярашув институти нормалари қўлланиладиган бўлди. Булар ЖК 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари

(таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш), 115-моддаси (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 121-моддасининг биринчи қисми (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 125-моддасининг биринчи қисми (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш)да кўрсатилган жиноятлардир. Бундан ташқари, дастлаб ярашув институти жиноятни биринчи марта содир этган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкинлиги кўрсатилган эди. Янги киритилган ўзгартишга асосан мазкур қоида олиб ташланди. Яъни эндиликда ярашув институти шахс биринчи марта жиноят содир этган ёки этмаганлигидан катъи назар қўлланилади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 66¹-моддаси 2-қисмига мувофиқ, оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун судланиб, судланганлиги олинмаган ёки бекор қилинмаган шахслар ярашиш туфайли жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

2005 йил 31 декабрда киритилган ўзгартишга асосан юқоридаги рўйхатга 185-2-модда (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш) қўшилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 3 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан ЖК 138-моддасининг биринчи қисми (зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш), 143-моддаси (хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), 148-моддаси (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш), 229-моддаси (ўзбошимчалик), 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари (тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш), 257-моддасининг биринчи қисми (меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), 258-моддасининг биринчи қисми (тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 259-моддасининг биринчи қисми (ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 277-моддасининг биринчи қисми (безорилик) қўшилди ва ярашув институтини қўллаш нормалари кенгайди. Эндиликда Жиноят кодексининг 40 та моддасида белгиланган 53 турдаги жиноятлар учун ярашув институти қўлланилади.

2001 йил 29 августда ЖКга ярашув институтининг киритилиши билан бир қаторда ЖПКга “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш” деб номланувчи янги 62-боб киритилди. Ушбу боб 582 — 586-моддалардан иборат.

ЖПКнинг 583-моддасига асосан ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан жиноят

иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт эканлиги белгилаб қўйилган.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Иш қарор чиқарилганидан кейин уч сутка ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилари, прокурор иштирок этади.

Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорида ушбу институтни қўллашнинг муҳим жиҳатлари ва тартиби баён қилинган.

Унга кўра: ярашув тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқариш ва судга юбориш учун қонунда ўн суткалик муддат белгиланган. Ушбу муддатлар жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) томонидан ариза берилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, ариза жиноят иши қўзғатилгунга қадар берилган бўлса, унда бу муддат жиноят иши қўзғатилган кундан бошланади.

Ярашув институтининг ижтимоий аҳамияти жуда катта. Чунки жиноятчиликка қарши кураш борасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялашнинг афзаллигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, мазкур институт тергов ва судда иш юритиш жараёнларини соддалаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги (2004 йил 11 май) Буйруғида ярашув тўғрисидаги ишлар судда кўрилишида прокурор иштироки мажбурийлиги қайд қилинган. Шунингдек, «Ярашув тўғрисидаги ишларнинг кўрилишида прокурор ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабаблари, жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказилмаганлиги ва бошқа масалалар синчковлик билан текширилиши орқали қонуний ажрим чиқарилишига кўмаклашсин» деб кўрсатилган.

ЖПКнинг 84-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ,

жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Ярашув институти асосида 2009 йилда 15 мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиб, “судланган” деган тамғадан халос бўлди.

Ярашув институтининг аҳамияти, афзал томонлари қуйидагилардан иборат:

— ушбу институтнинг жорий қилиниши жабрланувчи ва жиноят содир этган шахс ўртасидаги низони жиноий

жазо чораларини қўлламадан ҳал қилиш имконини беради;

— жиноят кўчасига адашиб кириб қолган шахсларга жавобгарликдан озод бўлиш имконини вужудга келтиради ҳамда жамиятда жиноятчиликнинг камайишига сабаб бўлади;

— жабрланувчига етказилган зарарнинг тез ва тўлиқ қопланишини таъминлайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий жазоларни либераллаштириш, ярашув институти нормаларини кенгайтириш жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Ш.КУЛМАТОВ,
ИИБ Академияси Жиноят процесси
кафедраси ўқитувчиси

ЖИНОЯТ ИШИНИ ЮРИТИШДА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда амалдаги қонунларимизга инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада кучлироқ ҳимоя қилувчи янги қоидалар қўшилмоқда. Бу эса дастлабки теровда жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширишни тақозо этмоқда. Жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган мансабдор шахслар қонун доирасида исботлаш вазифасини амалга оширадилар¹. Улар жиноят процессида исбот қилиш мажбуриятига эга бўлган субъектлар ҳисобланиб, қонунда белгиланган тартибда далилларни йиғади, текширади ва баҳолайди². Яъни улар жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган шахсга адолатли жазо бериш ҳамда айби бўлмаган шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш, қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни амалга оширадилар³.

Демак, ушбу давлат органларининг мансабдор шахслари жиноят ишини юритиш учун масъул ҳисобланиб, давлат функциясини амалга оширади, уларнинг ҳаракати ҳокимият хусусиятига эга бўлади⁴.

Шундай экан, ЖПКнинг 11-моддасида “Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун-

ларга аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади” деб қатъий белгилаб қўйилганлиги ҳам бежиз эмас. Қонунларга риоя этмаганлик учун жавобгарлик таъсир чорасининг мавжудлиги жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг процессуал мажбуриятларни бажармаганлиги учун жавобгарлик масаласига тўхталадиган бўлсак, амалдаги ЖПКнинг 4-бўлим, 32-боб, 271-моддаси «Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик» деб номланади. Ушбу модданинг 1-қисмида жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши белгиланган. Унда суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят ишини юритиш чоғида одил судловга қарши қаратилган жиноятни содир этишса, ЖКнинг 230, 234, 235-моддаларига мувофиқ, яъни ЖКнинг 230-моддасида айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавfli қилмишни содир этганликда айблаб жавобгарликка тортганлиги учун, ЖКнинг 234-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан шахсни қонунга хилоф равишда ушлаб турган

ёки ҳибсга олганлиги учун, ЖКнинг 235-моддасида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганликлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

ЖКнинг 230, 234, 235-моддаларида белгиланган ҳуқуқий нормалар суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан тергов қилинаётган жиноят ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича ўз функцияларини тўғри амалга оширишдан иборат ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ бўлган масалаларни тартибга солиди⁵.

Бундан ташқари суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан ЖКда белгиланган бошқарув тартибига қарши жиноятлар ҳам содир этилиши мумкин, буларга ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (ЖК 205-моддаси), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-моддаси), мансабга совуққонлик билан қараш (ЖК 207-моддаси), ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208-моддаси), мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-моддаси), пора олиш (ЖКнинг 210-моддаси) кабилар киради. Улар томонидан содир этилган ушбу жиноятлар ўз юритувидаги жиноят иши билан боғлиқ бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин.

Демак, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан бир вақтнинг ўзида ЖКда белгиланган бошқарув тартибига қарши содир этган жиноятлари ҳам одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиши мумкин экан.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотлар натижасида амалдаги ЖКнинг 241-моддасига “Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш” деб номланувчи 241¹-модда қўшилди. Унда жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яширганлиги учун жавобгарлик белгиланди. Лекин бу ҳолат ЖКнинг 271-моддасида ўз аксини топмаган.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриш мумкинки, жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган суриштирувчи, терговчи ва прокурор дастлабки терговда процессуал мажбуриятларини бажармаганлиги учун тегишли жиноий жавобгарлик белгиланган. Лекин амалдаги қонунларимизда суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қонун доирасида кўриб чиқмаганлиги ёки нотўғри қарор қабул қилганлиги учун, асоссиз

жиноят ишини қўзғатганлиги, рад этганлиги, тугатганлиги, тўхтатганлиги ва қайта тиклаганлиги учун, дастлабки терговнинг умумий шартларига риоя қилмаганлиги, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда уни бажармаслик оқибатларини тушунтирмаганлиги, процесс иштирокчиларини қонунда белгиланган ҳуқуқи билан таъминламаганлиги учун, айбловни асоссиз ўзгартирганлиги, тугатганлиги ва тўлдирганлиги учун, тергов ҳаракатларини амалга оширишда ЖПК нормаларига риоя этмаганлиги, процессуал мажбурият чоралари ва эҳтиёт чораларини нотўғри танлаганлиги, ўзгартирганлиги ва қўллаганлиги учун, процессуал муддатларга риоя этмаганлиги, айблов ҳулосасини нотўғри тузганлиги, илтимосномани асоссиз рад этганлиги учун жавобгарлик масаласи тўлиқ ҳал этилмаган. Бу эса жиноят ишини юритишга масъул бўлган суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг процессуал мажбуриятларига нисбатан масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишига, жиноят ишидан манфаатдор бўлиш мойилигини келтириб чиқаришга ва уларнинг тегишли жавобгарликдан қўтилиб қолишига, оқибатда жиноят ишини ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Амалдаги ЖПКнинг 382-моддасида эса прокурор ўз ваколат доирасида суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилиши, суриштирувчинини ёки терговчинини, башарти улар ишнинг тергови чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ёки дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлаштириш билан чегараланган.

Бизнингча, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг процессуал мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи амалдаги қонунларимизда тўлиқ ҳал этилиши лозим. Бу эса уларни жиноят ишини юритиш билан боғлиқ процессуал мажбуриятларига нисбатан масъуллик билан муносабатда бўлишга ундайди. Шунинг учун амалдаги ЖПКнинг 271-моддасига қўйидаги тахрирда қўшимча тақлиф киритиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз, яъни:

Дастлабки терговда суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини юритиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК ва бошқа қонунларга аниқ риоя этиш ва ундаги талабларни бажариш мажбуриятини бажармаганликлари учун Жиноят кодекси, Меҳнат кодекси ва Фуқаролик кодексларида белгиланган жавобгарликка тортилади.

¹Таджиханов У. Шахс манфаатлари жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини янада эркинлаштириш асоси. // Халқ сўзи. 2002 й. 8-январь.

²Будников В.Л. Субъекты обязанности доказывания в уголовном судопроизводстве. //Российская юстиция. 2008. № 5. —С.25.

³Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2004 йил 29 сентябрдан бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан қайта наشري). Расмий нашр. —Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004. —4-бет.

⁴Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик /Б.А.Миренский, А.Х.Раҳмонқулов, Ж.Камалходжаев, В.В.Қодирова. —Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. —10-бет.

⁵Ҳамроев С.Н. ИИО ходимларининг мансаб ваколатини суистеъмол қилганлиги учун жавобгарлик масаласи. // Ҳуқуқ-Право-Law. — Т.: 2000. —№ 1,(9) —81-бет.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

– матн такрорлашларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

– статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;

– исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;

– достоверность и корректность приводимой в статье информации;

– к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;

– представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;

– статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;

– объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;

– на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.

